


9 феврал—Алишер Навоий таваллуди куни



муваффақиятли ёқлагандан кейин "Алишер Навоийнинг ижодий методи" мавзусида докторлик диссертациясини ёздилар. Бу адабиётшунослигимизда жуда катта масъулиятли, кенг қамровли иш сифатида баҳоланди.

Абдулқодир Хайитметовнинг навоийшуносликка қўшган хизматлари ҳақида сафдошлари шундай фикрларни айтишади:

- А.Хайитметов шахсан ўзлари А.Навоийни ўрганиш билан бира "Ўзбекистондаги навоийшунослик мактабини" яратилишига, умуман олганда ўзбек мумтоз адабиётини ўрганиш мактабини яратилишига сабаб бўлган улуг бир аллома ҳисобланадилар.

Таникли мунаққид ва адабиётшунос, Ўзбекистон Қаҳрамони О.О.Шарафуддинов:

- А.Хайитметов ёзган ишларни ўрни-ўрни билан қўйиб чиқса, Навоий комуси юзага келади.

Низомиддин Мир Алишер Навоий таваллуд топган кун юртимизда ўзбек адабиёти байрами сифатида қувонч ва тантана би-

НАВОЙДАН

Мен ушбу мақолани улуг олим, икки марта Бөрүний номидаги Давлат мукофоти совриндори, Республикада хизмат кўрсатган фан арбоби, филология фанлари доктори, профессор, "Буюк хизматлари учун" ордени соҳиби Абдулқодир Хайитметовнинг Алишер Навоийга бағишланган қуйидаги шеърлари билан бошламоқчиман:

НУР ОЛИБ...

Азиз Қаюмов - академик:
- Ўзбек адабиётшунослигида, бу адабиётшуносликнинг узвий бўлгани - Навоий ижодини ўрганиш, Навоий меросини оммалаштириш



Абдулқодир Хайитметов 2002 йилда «Буюк хизматлари учун» орденига мушарраф бўлган эдилар.

*Навоий девоғига боқаман меҳр қўйиб,
Шеърларин ёд оламан, биридан бирин суйиб,
Дунёда шоирлар кўп, Фарқи бор Навоийнинг
Шеърининг ҳар байтини ёзган у бағри қўйиб.
Навоий ишқ шоири. Бир умр бахтиёрдир -
Бу ишқнинг маъносини чаққанлар дилдан тўйиб.
Шоирнинг ёзганлари бир уммон. Армони йўқ -
Ким агар бу уммондан сув ичса тўйиб-тўйиб.
Кўйласа Навоийдан Муножот авж пардада,
Гоҳ хурсанд, гоҳ йиғларман, туролмаман ўзини тийиб.
Шеърят бир қаср эса, унинг ҳар эшигига -
Навоий сўзларини ёзайлик ўйиб-ўйиб.
Навоий шеърларининг таърифидир бир жаҳон,
Биз уни эъозлайлик, китобин бошга қўйиб.*

*Тонг чоғи менга шеър гулшанидан боқти Навоий,
Дилларга яна севги ўтини ёқти Навоий,
Ҳар байтини ўқиб, тўлди юрагим завқу сафога,
Оламага ёруғ нур чақмоғини чақти Навоий.
Шайдоси бўлуб дўсту қадрдон - ҳамма бу дам,
Шеъринга кўнгул дарё бўлубон оқти Навоий.
Халқингга висол тонги отиб, чиқти қуёшини,
Хуш келди сенга шон бирла шараф вақти, Навоий.*

Абдулқодир Хайитметов менга қайнога бўладилар. Домла Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги тил ва адабиёт институти ўзбек адабиёти тарихи бўлимини узоқ йиллар мобайнида бошқарган. "Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари" мавзусида номзодлик диссертациясини ёзиб, уни

ва тадқиқ этишда машҳур дўстимнинг хизматлари жуда улкан.
Суйиша Ганиева - навоийшуносла оlima:
- Абдулқодир Хайитметов деганда или заҳматкаши, Алишер Навоий ижодида бутун умрини, ҳаётини сарф қилган катта олим кўз олдимда гавдаланади.
Нусратулла Жумаев - филология фанлари доктори:

лан нишонланади. Бу кун биз - Хайитметовлар оиласи учун ҳам катта байрам. Хонадонимизда буюк шоирнинг газаллари янграйди, газаллар асосидаги қўшиқлар янграйди! Биз шу аснода жигаргўшамиз - фахру ифтихоримиз, навоийшуносла олим Абдулқодир Хайитметовни ҳам эслаймиз, руҳларига таъзим бажо келтирамиз.

Ҳафизахон ХАЙИТМЕТОВА, журналист.



Суратда: М.Остонов оиласи билан.
С. ФАХРИДДИНОВА



ЗУЛФИЯ МУКОФОТИГА НОМЗОДЛАР

Оксана БЕДРИЦЬКАЯ — Тошкент шаҳар, Миробод туманидаги 110-мактаб ўқувчиси. Санъат йўналиши бўйича.

Оксана расмларни янги усулда, яъни рангли пластилин билан чизади. "Соғлом авлод учун" Халқаро хайрия жамғармаси ва Украина Миллий маданият маркази ҳомийлигида Оксананинг "Я малюю пластилином" номли китоби украин тилида чоп этилган.

Оксананинг расмлари аллақачон Украина, Япония давлатларида ўтказилган кўрик-танловларнинг каталогига киритилган. У Ўзбекистон Байналминал Маданият марказининг "Халқаро дўстлик ва ишонч" дипломи билан тақдирланган.

Тошкент шаҳридаги Замонавий санъат марказида "Я рисою пластилином" номли кўргазмаси ҳамда Киев шаҳрида китобининг тақдими бўлиб ўтган.

Оксана "Санвист" рассомчилик марказидаги ногирон болаларга, шунингдек Ҳамза туманидаги "Дўстлик" маҳалласи қошида кам таъминланган оила фарзандлари учун тўғрақ очиб, пластилин билан расм чизиш маҳоратини ўргатиб келмоқда.

Севара МУСАЕВА — Сурхондарё вилояти, Музработ кичик ва ўрта бизнес коллежи талабаси. Таълим йўналиши бўйича.



нинг диплом, сертификат, фахрий ёрлиқлари билан мукофотланган.

Ҳавасхон СОЛИХҲАЕВА — Наманган шаҳридаги 43-ўрта мактабнинг "Нихол" тўғараги раҳбари. Адабиёт йўналиши бўйича

Ҳавасхоннинг шеърлари газета ва журналларда чоп этилган. Мактабда ўтказилган "Етти гўзал" танловида "Энг гўзал қиз", шаҳарда ўтказилган мусокара сўз ўйинида "Энг яхши спикер", "Оқила қиз" кўрик танловида "Ижодкор қиз" номинациялари бўйича голиб бўлган.

Шоиранинг "Ишқ меҳроби" ҳамда "Япроқлар шивири" номли шеър тўпламлари ўқувчилар ҳукмига ҳавола этилган.

Нилуфар АБДУҒАНИЕВА — Марғилон шаҳридаги "Истиқбол" мактаб-гимназиясининг 11-синф ўқувчиси. Таълим йўналиши бўйича



Нилуфархон ўқиб бира маҳаллада пазандачилик цехи очиб, 10 нафар қизларга пишириқлар тайёрлаш сирини ўргатиб келмоқда.

Адиба УМИРОВА тайёрлади.



Тожинисо буви Қозоқова айни пайтда 117 бахорни кўрган. Лекин кўриниши тетик, ўзи бардам. Ҳамиша барчага ширинсўз, меҳрибон буви.
Бу борада неваракелини — Қизлархон тўлқинланиб гапирди:
- Бувижоним ёши юздан ошган бўлса-да, ҳеч кимга зарари тегмайди. Ҳаттоки ҳассага ҳам таянмайдилар. Ўзлари бемалол



ёши 82 да. Исмоилжон ака эса 80 ёшда. Улар курилиш соҳасини танлаганлар. Айни пайтда қариллик гаштини суряптилар.
Тожинисо буви ёшлигидан маҳаллага дастурхончи сифатида ҳам хизмат қилган. Онахонни етти маҳалла аҳли яхши танийди. Бундан ташқари, юзлаб болаларга доялик қилган. Маҳалладагилар онахонни "Амма ойи", деб алқ-

МАҲАЛЛАНИНГ ФАХРИ

Инсон нечоғли қалби тоза бўлса, унинг юзидан нур акс этади. Шаҳрихон шахри, Абдурахмонов кўчаси, 117-уйда истиқомат қилувчи Тожинисо буви билан суҳбатлашсангиз, майин ва ширин овозига тўймайсиз. Нуруний чехраси эса ажойиб, нурули...

- Турмуш ўртоғим Қозоқбой ака 1937 йилги кулоқ бўлиб кетган. Шундан кейин икки ўғилни ҳам ота, ҳам она бўлиб, ёлғиз ўзим камол топтирдим, - дея сўз бошлайди Тожинисо буви ўтган йилларини хотирлаб. Ҳозир 11 невара, 47 чевара ва 20 нафар дувараларнинг буви-сига айланганман, болам...

юрадилар. Тани-жони саломат бўлгани учун ҳам онахон ҳар куни намоз ўқийди. Ҳаттоки, муборак Рамазон ойларида рўза шартларини бажара олади. Қилган ибодатларидан кейин эса онахон ҳар қачонгидан-да сергайрат ва бардам бўлиб қолади.

- Тожинисо бувининг оиласи маҳаллада ҳам ибратлидир, - дея суҳбатимизга қўшилди шу маҳалла фуқаролар йиғини раисаси Матлуба опа Охунова. - Бу хонадон соҳиблари косиблик хунари билан ном чиқарганлар. Эркаклар пойабзалини тикишади.

Онахоннинг катта ўғли Урайимжон ака аввал ҳўжалиқда ишлаб, нафақага чиққанлар. Ҳозир

айдилар. Онахонимиз маҳалламизнинг фахридир.

Ҳар куни набиралари, фарзандлари бир-бир кириб келиб, онахон билан кучоқлашиб, омонлашадилар. Шунда Тожинисо буви уларни бағрига олаётди: "Қайси бирингсан?" деб сўрайди. "Мен катта набирангизман!", "Мен кичик чеварангизман" деб ўзларини танитишса, онахон: "Ҳа, болажоним, кеча сен нега кирмадинг? Мени унақа соғинтириб қўймагин-да?" деб зийраклик билан сўроқ-савол қила бошлайди. Ваҳоланки, шундай улуг ёшдаги зийраклик ҳам Яратганнинг берган неъматидир!

Нигора САЙДАЛИЕВА

МЕҲНАТИДАН ҚАДР ТОПДИ



Коллежда ўтказилган Зулфия мукофоти соҳибаси, шоира Гулжамол Асқарова билан иждоий учрашувга ҳам Клара Асадовна (суратда ўртада) бош-қош бўлдилар.

Аёл чиройли бўлса, кўнгилларга хушлик энади, қобилиятли, салоҳиятли бўлса доно, зукко фарзандлари камол толади. Оиласида интизом, тартиб, саранжом-саришталлик бўлса, доимо бахт унга ҳамроҳ бўлади. Худди шундай сифатлар Каттакўрғон педагогика коллежиди кўп йиллардан буён ёшларга таълим-тарбия бериб келаётган, ижтимоий фан ўқитувчиси, минглаб шогирдларнинг устоз-мураббийиси Клара Ҳақимовада мужассам.

Клара Асадовна ўз педагогик фаолиятини 1958 йилда Каттакўрғон шаҳридаги 1-ўрта мактабда ёшлар етакчиси вазифасидан бошлаган. Каттакўр-

ғон педагогика билим юртида узок йиллар директор бўлиб ишлади. Таълим-тарбияни замон талаблари даражасида ташкил этиш, талабалар ҳаёт тарзини яхшилаш, ота-оналар билан ишлашда бой тажрибага эга бўлди. Коллеждаги "Устоз ва ёшлар" музейи, "Қизлар ҳаёт бўсағасида" "Зулфияжоним қизлари" тўғарақлари фаолияти бевосита Клара опанинг маслаҳатлари тўғайли ташкил топган. Коллежда мусика бўлимини очиш ҳам опанинг маслаҳати билан амалга оширилди. Опа шаҳар, вилоят хотин-қизлар кенгашининг доимий аъзоси сифатида доимо қизлар, аёллар, оналар ҳаётини кузатиб боради, ке-

ракли вақтларда улар ҳузурига ёрдамга шошилади. Клара опа шахсий ҳаётида ҳам ибрат оласа арзигулик умр дафтарига эга. 50 йилга яқин қайноналари билан умргузаронлик қилдилар. 93 ёшли қайноналари у кишига "она қизим" деб мурожаат қилардилар. Турмуш ўртоқлари Тўхта Ҳақимович билан бирга 4 фарзандни тарбиялаб, эл хизматига қўшдилар.

"Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи" унвони соҳибаси Клара Асадовна Ҳақимовага, - доим соғ бўлинг, азиз устоз, деймиз.

Гулбахор БОЗОРОВА, Каттакўрғон шаҳри.

МОҲИР АЛОҚАЧИ



Шартнома бўйича хизмат оддий аскарни Замира Амированинг ҳарбийлар сафига қўшилганига яқинда ўн йил бўлади. Ўтган давр мобайнида интилувчанлиги, билимдонлиги, касбига бўлган чексиз меҳри тўғайли ўз жамоасида юқори обрў-эътиборга эга бўлди.

Болалиги Сурхондарё вилоятининг Жаркўрғон туманида ўтган Замира шартнома асосидаги хизмат сержанти Шерали Фармонов билан кўнгил ришталарини бир умрга боғлаб, унда ҳам ҳарбийликка ҳавас уй-

ғонди. Алоқачилик курсини муваффақиятли тугатган Замира бугун бир бахтли оиланинг бекаси ҳамда ораси рубёга чиққан моҳир алоқачидир.

-Айрим дугоналарим ҳарбийлик касбини танлаганимда аввал ҳайрон бўлишди, - дейди Замира. — Албатта, бу ишининг ўзига яраша машаққати бор, лекин ҳеч қайси касбда қийинчиликсиз роҳатга эришиб бўлмайди. Мен бу касбини танлаганимдан фахрланаман. Ўғлим Раҳматуллонинг ҳам ҳозирданок ҳарбийликка ҳаваси баланд.


Ахор ОЧИЛОВ, Муаллиф олган сурат.

ЗИЁЛИ ИНСОН

Яхшилардан сўз очдик

Жиззахлик Мелибой Ҳасанов 45 йил давомида ўқувчиларга ўзбек тили ва адабиётини сабоқ берди. Ёш авлод тарбияси йўлидаги заҳматлари учун "Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси" кўрак нишони билан тақдирланди. Аммо устоз учун энг олий мукофот бугунги кунда турли соҳаларда эл хизматида бўлган юзлаб шогирдларининг унга бўлган ҳурмати, эътирофидир.

Мелибой Ҳасанов умр йўлдоши Насиба опа билан 9 фарзандни воёга етказди, уларни ҳалол, пок, меҳнатсевар қилиб тарбиялади. Икки қизи ота касбини танлашди. Қолганлари турли соҳаларда самарали фаолият кўрсатиб келишмоқда. 23 набиранинг бобоси бўлган устоз муаллим Мелибой Ҳасанов бугун 75 ёшни қаршиламақда. Биз қуйида устоз ўқитувчининг "Тўйдаги томошалар" сарлавҳали мақоласини



мухлисларимизга ҳавола этарканмиз, у киши бундан буён газетамизнинг фаол муаллифлари қаторидан жой олишларини тилаб қоламиз.

Д. ИБРОҲИМОВ

ТҮЙДАГИ ТОМОШАЛАР

Яқинда қариндошларимдан бири ўғлини уйлантирди. Тўйнинг катта ташвишларини бир четга суриб қўйиб, тўй базмидаги ажабтовор ҳангомалар ҳақида гаплашайлик.

Тўй раиси қишлоқ ўқитувчиси - Шеркул домла хонадон эгасини даврага таништирди. Қудаларни табриклади. Кейин навбат хонанда ва созандаларга берилди. Дастлаб даврага торини кўкрагига маҳкам босиб олган ёшгина, хушбичим хонанда чиқди. У ўзини Комилжон Баратовдай чоғлаб қўшиқ бошлади:

Кувё бола, кулоқ тутиб, насихатим эшитгин, Манов кекса отанг бўлур, бу меҳрибон онангдир. Анов мўйлов алп қоматли, таниб олгин, тоғангдир, Зир югуриб хизмат қилган, сахий аёл-холангдир. Сен буларни ҳурмат қилгин, иззат қилгин, адашма. Адашмагин, адашмагин, адашмагин, адашма.

Даврада ўтирганлардан бири: "Кувё бола шу пайтгача ота-онасини, тоға-холасини танимас эканми?" деб қўйди пичинг аралаш. Кимдир энсаси қолдими, "Шўхроғидан бўлсин", деб тақлиф қилди. Артист йигит "хўп бўлади", деди-ю, янги оҳанг бошлади:

Сен уни кўрдинг кеча, мен уни кўрдим бугун, Иккимиз кўрдик уни, қалбларда қолди тугун.

Бир қўшиқ тугаб, у янада шўхроғига улашиб кетди:

Онаси ўлмаган қизни оламан, Отанинг ёлғизи, эрка боламан. Кўшиқ, рақс авжига чиқди: Сизга ёққим келади. Сизни кўчгим келади. Баъзан учгим келади...

Тўй эгаси монтерларни рози қилмаган шекилли, бирдан чироқ ўчди-ю, ашула узулиб қоди. Артист севгилисини яна нима қилгиси келади, нарёғини айта олмади. Ширакайф бўлиб қолган эркакларнинг олдида ҳар ерини қимирлатиб, муқом билан пул йиғаётган "раққоса"нинг "ови" ҳам чала қолди. Тўй эгаси монтерларга бир тугунчада ароқ-пароқ, ул-бул газак жўнатиб, токни улаттирди. Тўй раиси гап бошлади:

Қишлоқ хангомалари

- Ҳурматли меҳмонлар! Тўй қўшиқсиз, рақсиз, шеърсиз бўлмайди, албатта. Энди навбатни қишлоқ шоиримиз Шавқийга берас деган тақлиф бор. Сўз сизга шоир Шавқий! Шоир Шавқий даврага чиқди.

- Ҳурматли меҳмонлар, кейинги пайтларда насихат тарзида шеърлар ёза бошладим. Шулардан бирини сизларга ҳозир ўқиб бераман:

Ич огриси, нафсин тий, Сувуқ бўлса пўстин кий. Қайнамаган сув ичма, Қиш кунинда сув кечма. Қор ёғса, сувуқ бўлур, Жўжалар товуқ бўлур. Шўрвадан палов яхши, Қиш кунинда олов яхши. Бўлар-бўлмас гап сотма, Ичма, чекма, нос отма. Эшик олди сирпангич, Фарзанд бўлар суянгич. Тўкувчи мато тўқур, Шоир Шавқий шеър ўқур.

Қарсақ янгради! Кимдир шеърни мактади, кимдир: "теша тегмаган гаплар бор", деб таърифлади.

Бай, бай, бай, қишлоғимиз қизларининг кўпи ўйинчи экан. Илгари даврада бир-икки ўйинчи ўйнардди, қолганлар томоша қилишарди. Энди эса 20-30 ёш-яланг (қариси ҳам бор) бир-бирига қараб муқом қилиб, ер тепиниб, давранинг чангини осмонга кўтариб, ўйинга тушишарди.

Тўй базми узок давом этди. Кувё бола озоқ кайф қилган шекилли келинни етаклай туриб: "адашмагин, адашмагин, адашмагин", деб хиргойи қиларди. Ҳа, ана шунча. Қишлоқ тўйлари ҳам жуда замонавийлашиб кетди.

Уларни ихчам, миллий урф-одатларимизга мос тарзда ўтказишга келганда эса гапдан нарига ўтмаётгандаймиз. Бухоролик ҳамкасбим Марат Аҳмедов ёзганидай, айрим жойларда "адашиб" сайланиб қолган оқсоқолу, қайноналар тўйдаги исрофгарчилик, ичкилик-бозликка бош бўлишмоқда.

Мели ҲАСАНОВ, Фахрий ўқитувчи, Жиззах шаҳри.

Ишим заргарга тушди. Кўшим Умида дардимни тинглаб: "Заргарниям ҳалол яхши!" деб таниш заргарнинг олдига етаклаб кетди. Ҳазин Ойбек деб таништирган йигит узукни синчилаб текширди-да, эртанги кунга тўғрилаб қўйишни айтиб, қиванция ёзиб берди. Мен бошқа заргарлик буюмларини томоша қилганимча қиванцияни Умида қармончасига солгани аниқ ёдимда бўлса-да, уйга келганимизда уни йўқолгани маълум бўлди. Умида: "Мен уни олмаганман. Ҳаттоки кўрганам ҳам йўқ!" деб аразлаб кетиши билан тугади. Ҳайлаб-Ҳайлаб

та билан кесиб, эски удумларга кўра унинг исмини Ойболта деб қўйган экан. Лекин қанчалар яхши ниятда унга бу исм қўйилмасин, эгасининг-зиммасига у оғир юк бўлиб тушибди. Сабаби, шу исм деб тенгдошлари доим уни масхаралаб, устидан кулишган экан. Шунинг оқибатида мактабдошлари билан муштлашавериб, қачон қарама ўқитувчилардан танбех эшитиш ахйири жонга тегибди-да, бир куни эрталаб уйғониб, мактабга иккинчи бормасликка қарор қилибди. Ота-онаси табиийки, ўғлининг бу қароридан даҳшатга тушиб, уни дарров бошқа мактабга кўчиришибди. Янги синфдошларига

шиб юриб, бир-бирини яқинроқ таниб, муносабатлар чуқурлаша бошлаганда, ЗАГС баҳона қиз йигитнинг ҳақиқий исмини билиб қолибди. Аввалига ўзини ҳеч нарса бўлмагандай тутган қиз, бир куни учрашувга кечикиб келибди-да, лабини буриб:
- Исмингизни ўзгартирсангиз бўлмайми? Мен сизни "Ойболта ака" деб чақиршига уяламан, янгиларим ҳалатдан устимдан кулишяпти-ку! Кейин нима менинг фарзандларим "Ойболтаевич!" бўлишадими? Истамайман, - дебди.
Бу гаплар йигит юрагига қанчалар оғир ботганини тасвирлаб ўтиришга хожат

ўтган йилги тасодифлар уни Тошкентда учратиб қолдим. Бу учрашув иккала мизга ҳам олам-олам қувонч келтирди. Мактаб даврини эслаб, мириқиб сўхбатлашдик. Унинг турмушга чиққанини, мовий кўз ўғилчаси борлигини эшитиб:
- Демак ниятингга етибсан-да! - дедим кулиб. - Янги фамилиянг муборак бўлсин! У қандай фамилиялигини билсан бўладими?
- Қулмасанг айтаман, - жилмайди Наташа. - Ниятигга етганим рост. Энди мен Қурицнахоним бўлганман...
Ҳикоям шу ерга етганида сўхбатдошим Ойбек ака хоҳоллаб кулиб юборди.
- Демак, мен ҳали Ойболта эканлигимга шукр қилишим керак экан-да? Сизнингча бундан ҳам баттар бўлиши мумкинмиди?
Менимча, исм инсонга эмас, инсон исмига кўрк бериши, безати керак. Бунга ҳам тарихий, ҳам замонавий мисоллардан қўллаб келтириш мумкин. Масалан, буюк бобакалонимиз Мирзо Улуғбекни олайлик. У ўғил фарзанд кўрганларида не-не умидлар билан исмини Абдулла-тиф деб қўйган. Тарихдан маълум, шох фарзандларига исм қўйилишдан аввал уламолар йилгилиб, маслаҳат солишар, тақлиф қилинган ҳар бир исмининг маъносини қақиб, қайси тилдан келиб чиқши-ю, нимани англатишини ўрганиб саралаб, энг муносибни танлаб, сўнгра хулосаларни шохга етказишар экан. Шунга асосланиб янги туғилган шахзоданинг исми бежиз Абдулла-тиф бўлмаган деса бўлади.

ИСМ—КЎРКИНГИЗНИ

ОШИРСИН

МУНОЗАА
МУНОЗАА
МУНОЗАА

ҳали иш исскилигида заргарнинг олдига қайтиб, бор гапни айтиб қўйишни қарор қилдим. Ажабо, заргархонада Ойбек деганларини топа олмадим, сўрасам бу ерда ундай одам ишмаслигини айтишди. Минг хил хаёл билан бу бинони тарқ этар эканман, соддалигимдан ёмон ўқиндим. Наҳот алданган бўлсам? Йўқ, мен узукнинг қийматига ачинаётганим йўқ эди. Шунчаки бу узук менга акамдан ёдгорлик эди. Шуларни ўйлаб, мўъжаз ошонанинг олдида кетаётсам, сомсапаз бола мени чорлаб, ошхона залида бир киши сўраётганини айтди. Остона ҳатлаб кўзим Ойбекка тушди-ю, бирам қувониб кетдимки!



Утиришга тақлиф қилар экан, деразадан аввал менинг заргархона томон ўтиб кетганимни, кейин у ердан тушкун кайфиятда қайтаётганимни кўриб, чақиршига жазм этганини айтди. Гапни нимадан бошлашни билмай, дабдурустдан:
- Мен қиванцияни йўқотиб қўйдим, - дедим.
- Ҳечқиси йўқ, - деди у жилмайиб. - Тушлик қилиб олайлик, узукни олиб кетишингиз мумкин. У билан овра бўлиб, тушликка ҳам кеч қолдим.
Севинчимни яширишга хожат йўқ эди, албатта. Лекин заргарлик бўлимидаги англашилмовчилик ёдимга тушиб:
- Кечирасиз, Ойбек ака, ишхонангизда сизни сўрасам танишмади...
- Фамилиямни айтиб сўрамабсиз-да.
- Нега? Ё улар исмингизни билишмайдими?
Сўхбатдошим маънос тортди. Хўрсиниб:
- Гул исмингиз борлиги бахтингиз эканлигини билсангиз эди... Ҳақиқий исмин Ойболта, - деди у жиддийлашиб. Қолганини кейин ўзи айтиб берди. Тог этагидаги қишлоқларнинг бирида дунёга келган экан. Ота-онаси ва бобоси тоғда қишга ўтин гамлашаётганда, кутилмаганда у муддатидан олдин туғилиб қолган экан. Чайлада ўтин учун мўлжалланган болта билан арралардан бошқа ҳеч қандай асбоб бўлмагани учун бобоси гўдақнинг киндигини бол-

йўқ, менимча. Фақат бу гаплар таъсирида у исмини эмас, у қизга бўлган муносабатини ўзгартириб, аламини севган касби — заргарлик соҳасидан олиб, бир-биридан нафис, бежирим буюмлар ясаб, элга танилибди. Ҳозир ёши 30 дан ўтса-да, уйланмаганлигини, қизларданам, шундай "бемаза" исм қўйган ота-онасиданам ранжиганини алам билан сўзлаб берди.

...Исмин гул бўлгани билан мактаб пайтида фамилиямни ёмон кўрадим. Сабаби, сал ковоқ уйсам борми, шўх-шодон синфдошларим дунёни бошига кўтаришиб: "Фармонбиби аразладилар!" деб жар солишарди. Яхшиям, Илҳомжон Фармоновдек санъаткор машҳур бўлдилар-у, мени дардимдан халос этдилар. Ҳозир кўпчилик фамилиямга ҳавас қилишади, ҳаттоки "Илҳом Фармоновга қариндош эмасмисиз?" деб сўровчилар ҳам топиллади. Лекин бизнинг мактабимизда бундан-да ажойиброқ воқеалар содир бўлган.

Биздан 3-4 ёш катта синфда Орлова Наталья деган қиз ўқирди. Миллати рус бўлса-да, ўзи қорамағиз, бурни кавказликларникига ўхшаган букриси бор, ҳақиқий бургут бурун эди. Мактабдошларининг эътиборидан Наташа фамилиясидан ҳам, бурнидан ҳам уялиш четда қолмади, албатта. Кимдир унинг дардига ҳамдард бўлди, лекин кўпчилик болалар ёшлигига бориб, бечора қизни калака қилиб, унга лақаблар топишар, устидан кулишар эдилар. Қизнинг кўзидан оққан дув-дув ёшлар мактаб битиргунча тинмади. Лекин, ноумид шайтон, Наташанинг ҳам фамилиясини ўзгартириш умиди бор эди, албатта. Бунинг йўли йигитлардан ҳам кўра қизларга очилган, яъники турмушга чиқиб Наталья фамилиясидан қутулишига умид қилар эди. Мактабни битиргач, у қизни анча вақт учратмадим. Ота-онаси билан Грузияга кўчиб кетган, деб эшитган эдим. Аммо

Аммо шу исми эшитганингизда кўз олдингизда қандай инсон гавдаланади? Ёвуз, мансабпараст, хоин, падаркуш...
Ҳиндистонда "Акбар" исми кенг тарқалган. Холбуки, ҳинд халқи Бобуршоҳ ҳукмдор бўлмагунча мусулмончиликдан беҳабар бўлишган. "Акбар" сўзи араб тилидан келиб чиқиб "буюк", "улуғ" маъносини билдиради. Ҳинд халқининг бу исмига ҳурмат эса Бобуршоҳнинг набираси Акбаршоҳ билан боғлиқ экан. Шахзодалик давридаюқ Акбар ўзини оддий меҳнаткаш ҳиндларнинг дўсти, деб билган, уларнинг тинчлигини, фаровонлигини таъминлашга интилган. Узининг одиллиги, ҳақиқатпарварлиги билан ҳинд халқининг муҳаббатига сазовор бўлган экан.

Бу мисоллардан эл орасида қандай обрў топишимиз исминизга эмас, ўзимизга боғлиқлиги кўриниб турибди. Ойболта ака унча-мунча мақолалар ёзиб туришини билиб, унинг воқеасини албатта қаламга олишимни илтимос қилди. "Зеро бўлгувси ота-оналар унинг ҳаётидан хулоса чиқариб, фарзандларига исм қўйишдан олдин яхшилаб ўйлаб кўришса, нур устига аъло нур бўлар эди", - деди. Албатта, унинг гапида ҳам жон бор. Ҳозирги "замонавий" исмларнинг кўпчилигида на маъно бор, на мантиқ.
Лекин, менимча, ҳеч бир ота-она ўз фарзандига ёмон ниятда исм қўймаसा керак. Қандай инсон бўлиб танилиш эса ҳамманинг ўзига боғлиқ.

НАРГИЗАБОНУ

Баъзи оталар маънавий ўта қашшоқ, маданий ўта бефаросат, ахлоқий ўта бузук бўладилар. Ўғил фарзанд кўрдиларми, бошлари осмонга етади-ю, таллим-тарбия, деган инсоний талабларни бутунлай унутиб қўядилар. Айримлари эса ўзларининг тиллари сўкиш, ҳақорат қилиш билан чиққан бўлиши камлик қилганидек, фарзандларининг тилларини ҳам сўкиш, ҳақорат қилиш, лақаб қўйиш билан чиқарадилар. "Қани амакингни бир сўкиб қўй", "Тоғангни болаxonадор қилиб сўккин", "Булбулингни кўрсатиб қўй", "Онаси-дан сўкиб қўй!" каби бемаъни, бемаза сўзлар билан сўкишни ўғилларининг қолоғига қўядилар. Тилларини болага тилига ўхшатиб, бурба-чучуқлаштириб, "с"ни "ш"га ўзгартириб сўкишининг қулоқ эшитмаганларини топиб

СЎКИШ - ОИЛА ШАРАТИ

ўргатадилар. Эшитиб туриб ҳайрон бўласан, киши. Ота ҳам шу даражада онгсиз, укүвсиз бўладими?! Аллоҳ тоало уларга зурриётдек неъмат ато этса-ю, унга "бисмилло"ни, "ассалом"ни ўргатиш ўрнига ҳақоратни ўргатиб ўтирсалар, нима дейсиз?
Ҳайлаб қарасам, оиласида ҳам, кўча-кўйда, ҳатто, одамлар орасида ҳам оғзидан боди кйриб, шоди чиқадиган чапани эркаклар, бетамиз оталар маънан, ахлоқан тубанликка юз тутган одамлар тоифасидан бўлар эканлар. Сўкиниш билан чиққан тиллари ҳақоратга шу даражада ўрганиб, мослашиб кетган бўлар эканки, улар учун рўпа-

расида турган одамнинг шохиди аёли бўладими, қизи бўладими, опа-сингиллари, буви-бувалари, ҳатто, онаси бўладими, сўкаверар эканлар. Шунда четдан эшитган кўнчиқушни, таниш-билиш аёллар номусдан орланиб ичларида "тилинг танглагинда", "ўшанинг жойида қотсин" дейишар экан. Аммо ҳеч бир лаънат-надомат уларга қор қилмас экан. Агар уларга бир нарса дейдиган бўлсанг борми, шу топда сен ҳам сўкишлар тағида қолиб кетасан. Астағфируллоҳ!
Дала маҳалламизда бўйи етиб қолган ўз қизига ўшқариб, "онангни..." деб сўккан падар-

шуну у ўз оиласида, ўша одамлар орасида тақорламоқда, албатта. Бунинг фарзандлари эса эрта-индин бу ахволни ўз оиласида, ўз ўртоқлари ўртасида қайтарадилар. Шу тариқа бир эмас, бир неча бўғиндаги насллар шу тарзда яшаб ўтадилар. Бу дегани, бутун бошли бир авлод уриш-сўкишлар гирдобиди "тарбия" тоғиб боради, деганидир. Минг афсус...
Хулоса қилиб айтганда, сўкиш, қарғаш бу - оила иллати. Аммо бора-бора бу иллат жаҳият иллатига айлиниб боради, бу жуда ёмон...
Оғиз - ноз-неъмат - ҳалол учун,
Тил - ширин-шакар сўз - бол учун.
Нодон, нокас эрур уларни
Ишлатган ҳар хил ҳаром учун.
Азимжон ҚОСИМОВ

БАХТЛИ ОИЛАГА АЙЛАНСАК

— Битта қалтис қадамин бахтли ҳаётимни барбод қилди, - дея кўзига ёш олди тахририятимизга ташриф буюрган Сарвиноз исми аёл. — Асқар акам билан олийгоҳда бирга ўқиб, саккиз йил севишиб турмуш кургандик. Бир-биримизга бўлган ишончимиз, садоқатимиз туфайли ҳеч қачон шубҳа, рашк юрагимизга гўлгула солмаган. Қайнота-қайнонамнинг севиқли келини эдим. Фарзандларим кетма-кет тутилган, эрим: "Пахлавондек ўғиллар туғиб бердинг", - деб мени еру кўкка ишонмай, асраб-ардоқларди. Эрим ишлаб, пул тоғгани учун мен уйда болалар тарбияси билан шуғулланардим. Болалар улгайгач, ташвишимиз ҳам кўпайди. Эримга мутахассислигим бўйича ишлашим лозимлигини айтганимда, маҳалламизда шахарлик ишбилармон одам қурган магазинга сотувчиликка ишга жойлаштириб қўйди. Ишни бошлаган кунимдан бошлаб, магазин хўжайини ҳар кун бир марта келиб, мендан хабар олиб кетадиган одат чикарди. Хўжайиннинг менга боқишлари бежоллигини юракдан сезсам-да, ўқимши, маданиятли инсон бўлганлиги учун ундан шубҳаланмасдим. Лекин юрагим мени алдамаган. Кунларнинг бирида хўжайин: "Сарвиноз, мен сизни яхши кўриб қолдим. Агар менинг айтганимни қилсангиз магазини номингизга ўтказиб бераман. Фақат севгимни рад этман", - дея севги изхор қилди. Мен эса унинг севгисини дарров рад этдим.


Ўтган йили декабрь ойида эрим тўсатдан автофалокатга учраб қолди. Эримни ўлим чангалидан олиб қолиш учун дори-дармонларга анчагина пул керак эди. Бошимизга тушган оғир кулфатдан хабардор бўлган дўсту биродарларимиз бизга ҳамдардлик билдиргани билан кунимизга ярамасди. Ушанда менга битта одам, яъни хўжайин ёрдам бериши мумкинлигини ўйладим. Хўжайиннинг олдида ёрдам сўраб бордим. У киши: "Кўнглимдаги ушалмаган армонимсиз. Агар мен билан юришга рози бўлсангиз жони-жаҳоним билан ёрдам бераман", - деган гапни айтди. Катъий қарорга келишим учун хўжа-

йиндан уч кун муҳлат беришини сўрадим. Ушанда эрим учун ҳамма нарсага тайёр эдим. Турмуш ўртоғимга хиёнатим қанчалик оғир бўлишини билсам-да, бундан бошқа чорам қолмаганди. Шу пайт болаликдан бирга ўсган дугонам—Нодирдан маслаҳат сўраш хаёлимга келиб қолди. Эртаси кун Нодиранинг уйига бордим. У билан ола-сингилдек бўлиб кетганимиз учун бир-биримиздан сир яширмасдик. Эримнинг оғир аҳволдалигини, хўжайиннинг таклифини айтдим. Дугонам: — Эрингнинг ҳаётини фақат бадавлат хўжайин сақлаб қолади. Унинг шартига кўнглинг. Бўлиб ўтган воқеани ўла-ўлгунингча ҳеч кимга чурк этма. Мен ҳам бу сирни ҳеч кимга айтмайман, - деб қасам ичганди.

Унинг маслаҳати билан хўжайиннинг таклифига рози бўлдим. У киши ҳам ваъдасида туриб, магазини номимга ўтказиб берди. Магазиндан тушган пуллари ҳам олмади. Эрим соғайиб, шифохонадан ярим жон бўлиб чиқди. Хўжайиннинг илтифотини эса одамгарчилик, хотамтойлик деб тушунди. У одамга аввалгидан ҳам кўпроқ ҳурмати ошди. Эрим билан ҳеч нарса бўлмагандек, бир йил яшадим. Хўжайин ҳам бир йил мобайнида гапимга кўниб, мен билан бошқа учрашмади.

"Қинғир ишнинг қийғи қирқ йилда ҳам чиқади", деган нақл бежизга айтилмаган экан. Дугонамга савдо-сотик қилиш учун пул бергандим. Пулни сўраб уйига борганимда, ўртамизга совуқчилик тушди. Қарзни қайтармаслик эвазига, ўша кун эримга телефон қилиб:

— Фариштам деб сизини юрган хотинингиз сизга хиёнат қилди. Яшаётган хашаматли уйингиз хўжайиннинг зарзевари билан бунёд бўлган. Гапларимга ишонмасангиз, хотинингизнинг ўзидан сўраб кўринг, - дебди.



ТАШРИФЛАРИНГИЗ...

Ишдан қайтган, эримни тушқин аҳволда кўриб қўриб кетдим. Менга ҳеч нарса демай, икки кеча-кундуз ухламай сиқилиб чиқди. Учинчи кун уйимизга ота-онамни, қайнота-қайнонамни чақиртирди. Юрагим ниманидир сезгандек, шувиллаб кетди. Асқар акам: — Сарвиноз, мени ҳали ҳам севасанми? - деб сўради.

— Ҳа, - дедим ҳеч иккиланмай. — Агар муҳаббатинг рост бўлса, Қуръони карим ҳаққи ҳурмати, умрингга бирор марта ҳам менга хиёнат қилмагансан-а... Китобни кўлингга олиб, ростини айтсанг, сен билан яшайман. Ёлғон гапирсанг яшамайман, - деб муқаддас

китобни кўлимга тутқазди. Мен эса нима дейишни ҳам билмай довдираб қолдим. Бир йилдан бери турмуш ўртоғимни алдаб яшаётганимга виждоним қийналиб келаётгани учун энди алдашга кучим етмасди. Асқар акам мени тўғри тушунади, деб бўлиб ўтган воқеани бошдан-охир айтиб бердим. Сиримдан огоҳ бўлган қариндош-уруғлар мендан юз ўгиришди. Болаларим бундан хабар топмаган бўлса-да, уларнинг кўзига тик қаролмай қолдим. Мен—хиёнаткор, нобакор аёл бундай шармандалиқдан сўнг кўчага ҳам чиқолмай қолдим. Эрим ўша кундаёқ:

— Сарвиноз, шу пайтгача мени фақат бу дунёда сенинг меҳр-муҳаббатинг ушлаб турган. Энди менга яшашнинг қизғи қолмади. Хиёнатингдан фарзандларимиз хабар топмасан. Сендан фарзандларим нафратлашишни хоҳламайман, - деб тўнни елкасига ташлаганча уйдан чиқиб кетди. Орадан олти ой ўтди. Эримдан бирор хат-хабар йўқ. Изламаган жойимиз қолмади. Тополмадим. Қайнота-қайнонам ҳам мендан юз ўгирган. Дўстим, деб ишониб юрган дугонам илонинг ёғини алаган экан, мени бахтиқаро қилди. Ўз нодонлигимдан хафа бўлиб кетаяпман. Бошимга тушган кўргилликлардан хабар топган хўжайин:

— Сиқилманг, сизни аввалгидек яхши кўраман. Фарзандларингизни уйли-жойли қиламан, - деб излаб келибди.

Уни уйимдан ҳайдадим. Болаларимнинг:

— Ойишжон, дадажонимиз қачон келади? Жуда соғиндик, - деган саволлари мени адои тамом қилаяпти. Эрим гуноҳимдан ўтмаса-да, фарзандларим ҳаққи-ҳурмати уйига қайтишини кутаяпман.

Сарвиноз опага: «Эрингизга хиёнат қилиб, яхши иш қилмабсиз. Турмуш ўртоғингиз сизни кечирсин. Худодан сўраг. Хўжайинни уйдан ҳайдаб тўғри иш қилибсиз», дейишдан бошқа сўз тополмадим. Балки юқоридагиларни ўқиб, сизда ҳам бирор фикр туғилиб қолган бўлса ёзиб юборарсиз...

Адиба УМИРОВА

— Опа, сизга дардимни айтсам бўладими? - телефон гўшагидан ёшгина қизнинг овози эшитилди.

— Бемалол...
— Эшим 19 да. Чиройли қиз эканлигини ҳамма юзимга айтади.

— Ёшлиқнинг ўзи бир давлат. Сиз бўлса... "дардим бор" деб, ўтирибсиз...

— Эҳ, опа, менга ташвиш олиб келаётган балким шу чиройимдир...

— Хуллас, сизни қийнаётган сабаб...

— Уйдагилар мени турмушга беришмоқчи эди. Бир йигит билан учраштиришди. Гаплашдик. Аммо юзига қарамабман. Опаларим: "Қандай йигит экан?", деб сўрашганда, ҳеч нарса айтолмадим. Яна учрашувга чиқдим. Қарасам, бир кўзи тинмай пирпираб тураркан. Кейин билсам, автомобиль халокатига учраб, оёғи бироз лат еган, асабдан кўзи шу аҳволга тушган экан.

— Гап-сўзлари жойидими?

— Жуда эмасу, чидаса бўлади...

— Демак сизга маъқул бўлмади?

— Ҳа. Уйдагиларга фикримни айтсам, бошимга бало ёғилди. Ойим ҳам, адам ҳам қаттиқ қойишди. Аммо нима қилай, юракка буйруқ бериб бўлмас экан...

— Хуллас...

— Унга тегмадим. Йигитга ёққан эканман. Мендан жуда

ТУҲМАТ БАЛОСИ ОФИР ЭКАН...

ранжибди. Менга "харидор" бўлиб юрган кўпгина йигитлар қаторига уни ҳам қўшиб, унутдим. Чунки мен уларнинг биронтасига ҳам хайрихолик билдириб, руйхуш бермаганман. Бу вазият туфайли тобим бўлмади қолди, касалхонага тушдим. У ерда анчагина даволандим. Шу орада бир мактабдошим (у ҳам даволанаётган экан)нинг олдида келиб юрган йигит билан танишиб қолдим. Йигит ниҳоятда одобли, гап-сўзлари маъноли, маданиятли эди. Бир кўришда бир-биримизни ёқтириб қолдик. Шифохонадан чиққач, баъзан кўришиб, суҳбатлашиб турдик.

— Уйдагилар бу ҳақда билишдими?

— Ҳа. Фақат отам беҳабар эдилар.

— Йигитнинг мақсади жиддийми?

— У энди уйимизга одам жўнатмоқчи бўлиб юривди. Аммо... - қиз чуқур "ух" тортди-да, бир муддат жим қолди.



Кўнғироқларингиз...

— Нима, аинидими?

— Йўқ, йўқ! Фақат...

— Мен таклифини рад этган йигит унга бориб, мен ҳақимда ёмон гаплар қилибди. "У билан роса юриб-юриб, ташлаб кетганман", - дебди. Қотиб қолдим. Ахир бу қип-қизил туҳмат-ку! У мендан шу тахлит "уч" олмоқчи бўлибди. Ахир шу пайтгача мен биронтага кўлимни ҳам ушлатмаганман.

— У ҳали ҳам уйланмай юрибдими?

— Бироз вақт ўтгач, уйланганини эшитиб, хурсанд бўлвудим. У эса ёмонлики кўнглига туғиб қўйган экан.

— Суйганингиз унга ишонибдими?

— Ишонмайман дейдию, аммо шашти паст бўлиб қолган.

— Унга бор гапни айтиб бермадингизми?

— Шифохонада даволанганингизни кўрган-ку! — "Уйнинг сирини" деб,

бу ҳақда гапирмаган эдим.

— Демак, "уйнинг сирини" ҳам тақдирнинг ҳал қилувчи вазиятларида очишга тўғри келади.

— Мен ундан "туҳматчи йигит" билан юзлаштиришини талаб қилдим.

— Тўғри йўл тутибсиз!

— Аммо бу иш ҳануз чўзилиб келаяпти... Унинг бу гапга қайтгиси йўқ.

— Унда нимадан сиқилаяпсиз?

— Энг азиз одамимни йўқотиб қўйишдан!

— Сингилжон, қўрқадиган жойингиз йўқ бўлса, йигит сизни сева... яна нима керак? Ҳаётни ўз оқимига ташлаб қўйинг. Махбубингиз сўзида собит, мард йигит бўлса, сизсиз ҳам бу масалани ҳал қилиб олади.

Агар муносабатни юзаки бўлса, вақтида ўртадаги ришталар узилгани маъқул. Негаки эртага катта ҳаёт майдонидан "иқкилани из босиш"дан ёмони йўқ! Сиз ўзингизга тўғри бўлсангиз, бахтингизни топшингиз муқаррар! Бу — менинг фикрим!

Келинг, яна мухлисларимизнинг фикрига ҳам кулоқ тутайлик-чи, нима дейишаркин? Маъқулни оласиз, деган умиддаман.

Санобар

ФАХРИДДИНОВА



радим. Эрим ва уч қизим билан қолдим. Ўқишим қолиб кетди. Эримни ўқишга-аспирантурага киришга ундадим. У аспирант бўлди. Ана шу кундан бошлаб, мени севиб, ардоқлаган эр - менга ҳақиқий душман бўлди. "Ит ҳам ўғил туғди. Сен фақат қиз туғасан", - деб қилиқ чиқарди. Мен ўғил туғишга аҳд қилдим. Бешинчи қизни туққанда жуда эзилдим. Мен хушсизланиб, ўзимдан кетдим. Айтишларича, эрталаб 8⁰⁰ да туғибман. Кеч соат 5⁰⁰ ларда туғруқхона бош врач пешонамдан ўпиб: - Оллоҳга шукр! Ўзингга келдинг қизим. Шу бешинчи қизинг менга ўхшасин! Мен ҳам онамнинг бешинчи қизиман. Онажоним мени туққанларида отам ярим кечаси қўлига чақалоқни тутқазиб, онамни кўчага ҳайдаб юбориб-

лик чўқбақар Альфиялар эримнинг уйнашлари эди. Ён қўшним Лариса, жон қўшним Сулика, набираси тенги Наргиза, Муътабар ва яна бир қанча уйнаш аёллари бор эди. Номус кучли, ўзбекчилик, ёлғизлик мени чидашга мажбур қиларди. Мактабда ишласам, оладиган маошимга етти бола ва эримни боқолмасдим. Ихтиёрли-ихтиёрсиз ишни ташлашга қарор қилдим. Қўшним Маҳмуда опа менга бир даста пул бериб: "Ақлли аёлсиз! Олди-сотди билан шуғулланинг. Дастомояни қамайтманг, кўпайтиришга ҳаракат қилинг!" - деди.

Қизларни кийинтириш, ўқитиш, совчи кутиш, узатиш ўзимга қолиб кетганди. Қизларим буй етиб, эшигимдан совчилар аримасди. Мен анча сарсонликдан сўнг Тошкентнинг атоқли савдогарлари билан ошно бўлиб, юрт кезар савдогарга айландим. Топар-тутарим яхши. Фақат ҳаётим беҳаловат. Сафардан келсам, ўғилларимга меҳр қўйиб гашт сурарга эрим қўямасди. Оғзимни очирмасди. Аввалига топган-тутганимни қўлига бериб-тежаб терганг, деб юрдим. Аммо қарасам қўлига тушган пулни ўз маишати учун сарфлаб юбораяпти. Бермай қўйсам, ўғирликка киришди. Ўртоқжон, бир кунни хатто Ленинградга етиб бориб, қарасам пулим йўқ. Бор дастомоямни эрим олиб қолган. Мусофир шаҳарга 12 сўм билан келибман! Яхшиямки, оламда яхшилар бор! Ўшалар қўллашди. Тошкентга келдим. Айтсам, "туҳматчи", деб тепди. Ўзимдан кетдим. Касалхонада билсам ўнг бўйрагим жойидан кўчган, тин-

"Қўнғим қонатдин", 52-сон (2006) - 1,2,3-сонлар (2007)

ЭСЛАТМА: Бу муҳаббат ҳаётимни остин-устун қилди. Ҳаёларимни тўзғитди, азоблари ҳеч бир дардликка ўхшамади. Энг тоғли таъмдан ширинроқ хотира ва қувонч берди. Келажакка мени яна қандай ҳижрон азоблари кутаётганлиги менга қоронғу. Эй яхшилар, муҳаббатлар! Менга тангридан бахт-омад ва сабрбардош тиланг.

Муаллиф: ШАМСИЯ

Ана, Шамсияхон, қизим! Сиз меҳр-муҳаббатлилардан маслаҳат сўраган экансиз. Мен бир кекса момо сифатида ибрат олинг, деб дугонамнинг оғир ҳаёт дарслигини баён этдим.

Она қизим, ҳаётда борлигинизнинг ўзи бир бахт. сиз ёган мисраларингиз охирида буюк адабимизнинг:

Ох, ёшлик чоғим, Бир кузги яроқ, - деган сўзларини келтирибсиз.

Демакки, ёшлик жуда тез ўтиб кетадиган муқаддас бир неъмат. Шу неъматнинг қадрига етинг! Ёшлигингиз, шу дамларингиз жуда қадрлики, ҳатто тасаввур ҳам қилолмайсиз. Шундай экан, севганингиз сизга эгилиб, салом бериб, ишқингизга тўймай юрган йигит бўлса эди... Сизни сўрамай-диган, изламайдиган одамни шунча-

ЁШЛИКНИНГ ҚАДРИГА ЕТИНГ...

Шамсия қизимнинг бир неча сонда давом этган дил изҳорини ниҳоят кечкурун ўқиб тугатдим. Қизнинг ўқинчлари, армонистаклари мени хаёл гирдобига тортиди. Бир тор кўчада туғилиб ўсган, бир мактабда, бир синфда ўқиган дугонамнинг кечинмаларини ёдга олдим.

Ҳалима ақли, қувноқ, чиройли, адабиётга, шеърятга жуда мойил қиз эди. У биринчи синфдан мактабни битиргунча синфком бўлган. Педагогика институтини битирган, аспирантурага кирган... Турмуш қурди. Эри уни жуда яхши кўрар, еру кўкка ишонмасди. Ҳалима икки қизли бўлгунча улар турмушини яхши биларди. Кейинчалик ҳаёт бизни ҳар ён ташлади.

Ўтган йили шу дугонам мени сўраб-суриштириб, хонадонимга кириб келди.

Тўғри, ёшимиз катта, етмишни уриб қўйдик. Лекин бир пайтлар жингалак сочили, ниҳоятда қувноқ, мақол ва ҳикматли сўзларга бой Ҳалимадан унинг сийратига ном-нишон йўқ. Унинг ҳозир етти фарзанди бор. Эри маҳалла оқсоқоли экан. Биз нафақадан одаммиз. Бўш вақтимиз кўп. Тез-тез учрашадиган бўлдик. Сир-асроримиздан, ўтган-кетгандан гаплашдик. Бир ўтиришимизда унинг нега шунчалик маъносиз тортиб, касалманд бўлиб қолгани ҳақида гап очилди.

- Мен ҳаёт мактабини ўқиб тугатдим. Шукр, кексаликка ҳам етиб келдик. Аммо эрим билан ўтган умримдан афсусланаман, -деб қолди Ҳалима.

- Кекса одам ҳам шундай фикр юрирадими? Шундай катта оила бошисанку! Фарзандларинг ҳаммаси тинч, аҳил. Невара-у эваралар қуршовидасан. Ундай дема-я, уят бўлади, - дедим.

- Аслида ҳам худди шу уят-андиша исқанжасида бутун умримни яшаб ўтдим. Энди менга руҳсат! Ана, неварам ҳам келиб қолди олиб кетгани. Бирон кун бафуржа ўтирганимизда ҳаммасини гапириб бераман, - деди.

Бафуржа гаплашиш эса ойлаб давом этди.

- Ёлғиз қиз эдим, биласан. Тоғаларим Шўрлар даврида қирилган. Икки акам Носир ва Мансурлар урушдан қайтмаган.

Онам вафот этганида мен тўлғонга уч-

- * Эрим билан ўтган умримдан афсусланаман.
- * Борарга боғим, суянарга тоғим йўқ эди.
- * Олтинчи, еттинчисига ўғил туғиб олдим.
- * Юрт кезар савдогарга айландим.
- * Беш қизни узатиб, икки ўғилни уйлантирдим.
- * Бир ногиронга турмушга чиқиб, аравасини итариб, вафо кўрсам рози бўлардим.
- * Қариганда афсус чекмаслик учун тарозини тўғриланг!

дилар. Қараки, адажоним ўғил орзуси билан ўтиб кетдилар. Бугун энди онажоним биз - беш қиз ардоғида роҳат-фароғатдалар. Биз ўқиб олима бўлдик. Ҳаммамиз медикмиз. Опаларим Ўзбекистоннинг машҳур олималари. Илоҳи Ҳалима шу қизларинг биздек бўлишини! Қўзингни оч, сингил! Лекин бир нарса сўрайман, хафа бўлмагин! Эрталабдан бери ҳеч ким сени йўқламади. Биз бирор одам сени сўраб келишини...

- Ҳа, опахон. Болаларим ёш, ўзим ёлғизман.
- Бош шифокор ўйлаиб сўради:
- Эринг борми?
- Ҳа...
- Шу пайт мени туғдирган ақушер-ҳамшира:
- Яна туғасизми? - деб қолди.
- Мен ўқисиб йиғлардим.
- Ҳа!
- Унда кейинги галдагиси ўғил бўлади, - деди.

Мен олтинчи ва еттинчисига ўғил туғиб олдим. Энди-чи, билсанг, мен ўзимнинг аёллигимни, одам боласи эканимни тамом унуттишга мажбур бўлдим. Агар билсанг, шу пайтларда эримдан тамом ажрагандим. У бутунлай ботқоққа ботганди. Айни ўғилчаларим ширин-шакар бўлганда эрим мени тутиб олиб дўппослар, "кет", деб ҳайдарди. Менинг эса борарга боғим, суянарга тоғим йўқ эди. Корейс хотин Нина, араб хотини Фарида, Хондайлик қишлоғидан Хури, халқабод-

май қон оқарди. Мана шу кунга қадар ўша жароҳат жонимга азоб бериб келади. Шу аҳволда беш қизни узатиб, икки ўғилни уйлантирдим. Эрим тўйларда қўшнилардек тик туриб, тўёналарни йиғиб олар, тўйнинг эртасигаёқ водий шаҳарларининг бирига уйнашларидан бири билан гўм бўларди. Шунча ўртоқжон, ҳозир у маҳалла оқсоқоли. Қўли банд, овоз кучли, буй бадастир. Айтгани айтган. Энди-энди ўйлайман, уяту ҳаё, андиша боис ҳаммасини ичимга ютиб, азиз умримни ўтказиб юборибман... Ҳалимаойнинг ҳаёт дарси - аълочи, қизқичи студент, аспирант, ўқитувчи, савдогар!.. Ана ҳаёт, мана ҳаёт! Дугонамнинг сап-сарик юзларини қайноқ кўз ёшлар ювади.

- Ҳалима! Шунча ҳақоратга қандай чидадинг? Кўй-е!
- Болаларим тақдирини ўйладим. Қуандалар олдига андиша қилдим. Болаларимнинг келажagini, қизларим маломатга қолмаслигини, кўнглини чўктирмаслигини ўйладим. Ўша дамлар ўзимни ўйлашга вақтим бўлмаган. Куч кўп, гайрат кўп. Фарзандларга меҳрим дарё. Кучдан, қувватдан кетганимда ўтган ҳаётимни ўйлашга вақт топдим. Аммо гишт қолипидан кўчган, шомим тиззамда, хуфтоним ортимда...
- Ҳозир қалай, оқсоқол?
- Бедард, соғ-саломат. Обрўси жойида, билсанг.
- Еган-кийганини оқлайдими? Қарайдими?
- Қўймадинг-қўймадинг, дилмадганини айтмай!
- Айт, ўртоқжон... Ичингда кетмасин!
- Мен агар вафо кўрганимда ҳамма меҳнатимга рози бўлардим.
- Ҳозир...
- Фарзандларимга кетказган куч-қувватимга розиман! Аммо... Агар бир ногиронга турмушга чиқиб, аравасини итариб, вафо кўрсам, рози бўлардим.

лар умрбод кутишга ошиқманг. Она қизим! Шундай ҳаёт кечирингки, ёшлик чоғингизнинг ўзи умрингиз бахт-саодатини йўлга қўйсин! Тушқунликка тушманг. Йигит сизни қидирмас экан, сиз томон ошиқмас экан ўзига қийин! Хали шундай зукко ақл билан келажакка олға қадам ташлангки... Умрингиз охирига қадар бахт келтирувчи ютуқларга эришасиз. Замон сенга боқмаса, сен замонга боқ, деган нақл бор. Сиз ҳам ўз умрингизни билиб оқила қизларча иш тўтинг.

Дўст танла оқилу фозил, Алар била муродинг ҳосил. Агар дўстинг бўлса фозил, Кеч бўлмасдан жазога лойиқ...

Шундай қизим! Сизга ва сиз каби чин маъшуқаларга ибрат бўлсан деб, дугонам Ҳалиманинг ҳаёт дарслигини сўзладим. Ҳалима сингари афсус чекмаслик учун тарозини тўғриланг!

Олам мунаввар, одам мукаммал. Хатто йўл қўймаг. Ойлаб хабар олмай, ўзидан хабар бермаган, сизга бефарқ бўлган инсон олдига эгилманг, букилманг, мағрур бўлинг! Ҳаётингизга омад, умрингизга бахт ёр бўлсин!

МАКТУБА

Кизим, сен ўти билимдон, зукко, ўқимишли, севги, садоқат, муҳаббат бобини ҳар томонлама галвирдан ўтказган экансан. Сен бу дунёнинг жаннат қизисан, она қизим!

"Бир кам дунё дейдилар". Бу ҳаётнинг муҳрланган қонун-қоидаси. Аммо сенинг қаршингда бахт қулиб турибди. Сен уни кўрмайсан, холос. Ҳали қалбинг ўша йигит севри билан банд.

Йўқ она қизим, янглишма. Йигит билан қиз бир умр учрашмай ҳам, севишмай ҳам, бахтли бўлиб кетган боёбу бувиларимизни ўйла. Ҳали ёшсан. Муҳаббат битта... ва битта ҳам эмас... бир нечадир! Сен янглишдинг, она қизим Шамсия. Авваллари йигит қизинг ортидан тушарди. Сен эса очиклик қилдинг. Айтганига кўндинг. Қизим қарс икки қўлдан чиқади. Сен севдинг, ул севмади. Ул фақат сенинг билан дилхушлик қилмоқчи эди. Сен хайрият, лақ этиб тушиб қолмадинг. Шунга ҳам шукр қил, қизим. Сен ул билан бахтли бўлолмасдинг. Ахир сени, бахт кутаяпти. Қўзингни оч.

Эргаш АТОВБ

ТАБРИКЛАЙМИЗ



Ойшожим Захро ЗАЙНУТДИНОВА!
50 ёшингиз муборак. Сухат-саломатлик тилаймиз. Фарзандларингиз камолни кўриб, адажонимиз билан кўша қариб юринг. Оила аъзоларингиз номидан келиннингиз Дилноза.

Хурматли дугонам АЗИЗА!
Сени 12 феврал 36 ёшинг билан чин қалбимдан табриклайман. Омад, бахт, муваффақиятлар тилайман. Оила аъзоларинг бахтга доим соғ-саломат бўл.



Дугонаг Фазилат

Хурматли сивглим Маҳлиё АБДУЛЛАЕВА!
Туғилган кунинг билан муборакбод этамиз. Сенга узоқ умр, бахт-саодат, келгуси ишларингга муваффақиятлар тилаймиз.

Аканг Фатхуллага, дўстинг Вазира.

КИТОБИНГИЗНИ ЎҚИДИК

Нормамат Тоға ўзининг ажойиб ҳажвия, латифа, масал, интермедиялари билан кулгу, сатира ва юмор ишқибозларига яхши таниш. "Наштар" киножурнали, "Телевизион мини-атюралар театри", "Экран хандаси" кўрсатуви, "Табасум" радиожурнали, "Муштум" журнали уни ҳажвчи сифатида кашф этган, десак адашмаймиз. "Оила ва жамият" мухлислари ҳам адабнинг кўлаб асарларини газетамиз саҳифаларида ўқиб, баҳраманд бўлишган.



ҳам томошабинлар меҳрини қозонди. Яқинда Нормамат Тоға "Оқ нур" деб номланган китобини таҳририятимизга йўллабди. Хурсанд бўлиб китобни varaқладик. Адиб ушбу асарда Қашқадарё вилоятининг Косон туманидаги Бўлмас қишлоқ шифохонасида амалга оширилаётган ишлар, мазкур шифо маскани жамоасининг ҳаёти ва фаолияти мисолида юрти-мизда тиббиёт соҳасида олиб борилаётган ислохотларнинг асл мақсад ва моҳиятини очиб беришга ҳаракат қилади. Асарга халқ тилидан олинган латиф иборалар, қочиримлар, шеърлар Нормамат Тоғага хос бўлган услубда сингдириб юборилган.

Нормамат Тоға серкхирра ижодкор. Боиси у нафақат ҳажвия асарлар ёзади, балки турли мавзулардаги мақолалари Қашқадарё вилояти ҳамда республика матбуоти саҳифаларида бот-бот чоп этилади. Қолаверса, роман, қисса, публицистик мақолаларини ўзида жамлаган ўндан ортиқ китобларини адабиёт мухлислари ҳужмига ҳавола этган. Адибнинг "Муҳаббат довони" романи асосида ишланган видеофильм

олиб борилаётган ислохотларнинг асл мақсад ва моҳиятини очиб беришга ҳаракат қилади. Асарга халқ тилидан олинган латиф иборалар, қочиримлар, шеърлар Нормамат Тоғага хос бўлган услубда сингдириб юборилган.

Нормамат Тоға бундан кейин ҳам энг яхши ҳажвия, мақола ва қишлоқ хангомалари асосида битилган асарларини газетамиз мухлисарига илинадилар, деб ишонамиз.

Д. ИБРОҲИМОВ

ДИЙДОР ҚИЁМАТГА ҚОЛДИ...

- Келин бўлиб тушган хонадонимизда икки қайнона, икки қайнотам бор эди, - ҳикоя қилади қўшни аёл. - Турмуш ўртоғим асли хоразмлик, лекин ўқишга келиб пойтахтда яшаб қолган. Тўйимиз ҳам Тошкентда бўлди. Ҳар гал меҳмонга борсақ, қайнона ойим (катта қайнонамиз) гоҳ у, гоҳ бу боласиникига меҳмонга кетган бўларди. Икки-уч йил шу тарзда ўтиб кетибди. Орада эгизак фарзандли бўлдим. Узокнинг фироғи курсин, экан. Кўнгли не чоғли ақин бўлмасин, барибир масофа олислиги билинар, баъзан у, баъзан бу қариндошлар хасталикка чалинишса, боролмай хуноб бўлардик. "Уч йилда бир бориб кўрмадим", деган ўй мени қийнаб келаётган кунларнинг бирида туш кўрдим.

Қайнона ойимнинг: "Қузим, шу юртга келдингизу, бир кўрган боролмадингиз. Кўзим йўлингизда интизор бўлди. Чевараларимни соғиниб, бағримга босай, девдим. Насиб-қилмайдиган бўлди-да, аттанг... Дийдор қиёматга қолди-да, болам, -деган сўзларидан: "Йўғ-е, бувижон", деб уйғони кетдим. Шу куни кечкўрун телефон жириглади. Гўшакни олган эримнинг ранги ўчиб, кўзларидан "дув" этиб, ёш сизиб чиқди. "Хўп, эртага йўлга чиқаман", дея гўшакни қўйди. "Момом, моможоним кетиб қолибди", деб йилглаб юборди. Мен ҳам кўз ёшларимни тия олмадим. Бувижонимнинг тилида айтган гапи тўғри чиқди. Бўёғи, дийдор қиёматга қолди...

ФАРИДА

Торт, пиширик, таом ва салатлар тайёрлашни тез ва арзон нарҳда ўргатаман. Тел: 170-18-86

Утеранный устав, учредительный договор, удостоверение (гувоҳнома) ИНН ООО «DALEV» выданный в 2001 году Юнусабадским хокимиятом считать НЕ ДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Бу воқеа Самарқанд шаҳридаги Шохизинда қабростони ёнидаги сартарошхонада ишловчи уста Муҳаммадул амакимдан йўл-йўлакай хабар олмақчи бўлганимда рўй берганди. Сартарошхона ёнидаги хали тупроғининг нами кетмаган қабр устида катта

ган. Шу-шу Жалолиддин бошқа уйланмади. Итни эса кичкиналигида қўшниси ҳадя қилган. Кейинчалик расом Тошкентдан ота юрти Самарқандга қўчиб келган. Тақдири шу экан, етти йилча яшаб, ота ховлисида 40 ёшида жони узилди. Энди мен борай, одамлар қараб қолди, - шундай деб амаким сартарошхонага кириб кетди.

Ажойиб-ғаройиб ИТ ВАФО...

Мен боғия жahl ўрнига итга нисбатан раҳм-шафқат туйғулари эгаллади. Унга меҳрим ортиб, бирор егулик бергим келди. Бурчакда турган сувдон билан нонни кўриб, севиниб кетдим. Лекин кўрагини зах тупроққа босганча бир нуктага тикилиб ётган ит бу меҳрибончиликларимга парво ҳам қилмади. Нуқул гингшиб қўяди. Унинг мустар кўзларига узоқ қараб қолдим. Нигоҳи худди ўпкаси тўлиб турган ёш боланикига ўхшарди. Гуноҳкор одамдек бошимни эгиб хаёлга чўмдим. "Қани энди, расом, сен тирик бўлсангу дўстингга бир нигоҳ ташласанг. Гўё сени одамлардан қизгангандек қабринг устида ётибди. Берган тузингга рози бўл, расом! Сен бахтли одам экансан!"

Узимни анча босиб олгач, итни эркалаш, унга илиқ бир сўз айтиш ниятида қабрга яқинлашдим.

Анвар ИНОҚОВ, санъатшунос.

«Оила ва жамият» ўғитномаси

- Тўртликлар**
Лаган тоза бўлса, мойи чиқмайди, Қайнамаган сувнинг чойи чиқмайди, Ҳаммага ўзини кўз қилиб юрган Тантиқ қизнинг тезда жойи чиқмайди.
- Карвон йўлларининг ниҳояси бор, Одамнинг яхшии, беҳаёси бор. Танҳолик хос эрур қодир Оллоҳга, Эркаги бор уйнинг ҳимояси бор.
- Зўр бўламан дейсан, зўр бўлолмайсан, Жонли ижро бўлса, жўр бўлолмайсан. Ўзининг овозинг бўлмаса узоқ Санъатнинг ичида бор бўлолмайсан.
- Порахўр бир "жойни" пана даярмиш, Ҳар томон аланглаб "сана" даярмиш. "Пул"даги бўёқнинг рангини сезмай, Ҳали оздир, ука, "яна" даярмиш.

- Эзгу мақсадларни кўзлаган маъқул, Ўзиндан каттани "сиз" лаган маъқул. "Омад келмади" деб нола қилгунча, Иллатни ўзиндан излаган маъқул.
- Саводсиз бўлганинг хати чиқмайди, Йўқолган ҳўрозинг пати чиқмайди. Во ажаб, гоҳида "гулдур-гун" бўлиб, Ўғри ушланса ҳам оти чиқмайди.
- Ҳалоллик йўқ жойда зиён кўп бўлар, Зўр бўлсанг ука, ҳам "жиян" кўп бўлар. Курсингга зил кетса, суямас ҳеч ким, Атрофингдан қочган "қуён" кўп бўлар.
- Ошинг ҳалол бўлса, ризқинг ҳам бутун, Кимсасиз ҳовлида чиқмагай тутун. Дунёга келдингми, инсондай яша, Армонлар анчадан тутмасин бир кун. **Пардабой ҚУЛТОВ,** Сурхондарё вилояти, Жарқўрғон тумани.

Шу ёшга кириб қарғиш нима эканлигини ўз кўзим билан кўрганман. Ота-онасини хор қилиб, ташлаб кетган Рўзимбойнинг жасадини ака-укалари ўзга юртдан не машаққатлар билан олиб келиб Тўртқул тупроғига қўйишди.

Ҳаётини кузатмалар

Жанжалкаш қўшнидан кўчиб қутулмайсан. Унга ён берсанг, ақлу-одобинг билан, хуш муомаланг билан ибрат бўлсанг, кўп гапини эшитмаганга олиб, яхши муомалада бўлсанг уни енгасан.

Лочин икки қаноти билан учса, инсон ақлу-заковати билан юксак чўққиларни забт этади.

Турмуш ўртоғининг фақат болаларининг онаси бўлгани учун севсанг, хато қиласан. У сенга келажакни яратиб берди.

Эр-хотиннинг уриши, дока рўмоннинг куриши бўлса, унда нега улар бир умр юз кўришмас бўлиб ажралиб кетишди?!

Ҳасад қилганингни кўзларингдан биламан. Қорачиқларинг ичида ёш йўқ, совуқ ялтирайди.

Турдибой ҚУЗДИБОВ, Тўртқул тумани, Шўрохон ДФХ бор-8

КҮЙ (21.03 — 20.04). - Сиз одамларнинг даққат марказида бўласиз. Тижорат кишиллари учун омадли ҳафта. Соғлигингизга эътиборли бўлишингиз керак.

СИГР (21.04 — 21.05). - Жиддий ишларга қўл урмаганингиз маъқул. Ишонангизда муаммо юзага келмаслигига ҳаракат қилинг.

ЭГИЗАКЛАР (22.05 — 21.06). - Сизни навбатдаги ютуқ кутмоқда. Ижодкорлар учун ҳафтанинг омадли, сермахсул келиши кутилмоқда.

ҚИСҚИЧАҚА (22.06 — 22.07). - Оқибатини ўйламай иш қилишдан эҳтиёт бўлинг. Умуман, ҳамма масалада етти ўлчаб бир кесганингиз маъқул. Дам олиш кунларини оилангизга бағишланг.

МУНАЖЖИМЛАР

АРСЛОН (23.07 — 23.08). - Ҳар соҳадан бир шингил, деганларидек ўзингизни турли соҳаларда синаб кўришга, янги нарсаларни ўрганишга ҳаракат қиласиз.

БОШОҚ (24.08 — 23.09). - Малака ошириш учун хорижга бориш тақлифини олишингиз эҳтимоли бор. Дўстларингиздан бири сизни алдаши мумкин.

ТАРОЗИ (24.09 — 23.10). - Ўзингиздан катталарнинг гапини икки қилмаганингиз яхшироқ, Молиявий масалада озроқ қийинчиликка учрашингиз мумкин.

ЧАЁН (24.10 — 22.11). - Юрагингиз муҳаббат «дарди» билан оғриб қолади. Фақат буни суякнингизга ошкор этишга иккиланманг, йўқса унга етишолмай қоласиз.

БАШОРАТИ

ЎҚОТАР (23.11 — 21.12). - Иш юзасидан бир неча тақлифлар оласиз. Уйлаб кўриб, уларнинг энг маъқулини танлашингиз керак бўлади.

ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12 — 20.01). - Ишонангизда баъзи ҳамкасбларингизнинг иғвоси боис муаммо келиб чиқиши мумкин. Фарзандларингиз эса ақинча ўз ютуқлари билан сизни хурсанд қилишади.

ҚОВҒА (21.01 — 18.02). - Тижоратдаги ишларингизнинг кўмағида каттагина даромад оласиз. Дам олиш кунлари муқаддас жойларга зиёратга боринг.

БАЛИК (19.02 — 20.03). - Вазиятлардан усталик билан чиқиб кетиш қобилиятингиз бу ҳафтада жуда муҳим муаммони хал қилишингизда қўл келади.




Aziz bolajonlar! Siz ham chizgan rasmlaringiz va yozgan ertaklaringizni o'z suvotingiz bilan birga bizga jo'nating. Yoshingiz va nechanchi sinfda o'qishingizni ham yozishni unutmang. Rasmlaringizni oq qog'ozga chizing. Xatlaringizni kutamiz!



Nafosat MATCHONOVA.
Xorazm viloyati, Xazorasp tumani,
Pitnak shahri, 8-maktabning 3 «D» sinf
o'quvchisi.


Tohirjon MUSINOV.
Qashqadaryo viloyati, Shahrisabz tumani,
4-ixtisoslashgan maktab-internatning 5 «A» sinf o'quvchisi



Malika SANJAROVA.
Toshkent viloyati, Parkent shahridagi 7-maktabning 2 «B» sinf o'quvchisi.



Azizbek ISMOILOV.
Xorazm viloyati, Xazorasp tumani,
18-maktabning 3 «A» sinf o'quvchisi.



Mirqodir MIRSALIMOV.
Toshkent viloyati, Parkent tumani, Changi qishlog'idagi 44-maktabning 4 «B» sinf o'quvchisi.



НИМА? НЕГА? НИМА УЧУН?

ОКЕАНЛАР НИМА?

Океанлар Ер сиртининг 3/4 қисмини эгаллаган, қитъаларни ўраб турган, уларни бир-биридан ажратиб турадиган жуда кўп миқдордаги шўр сув йиғиндисидир. Ер шарида тўртта океан мавжуд. Булар: Тинч, Хинд, Атлантика ва Шимолий муз океанлари. Шимолдан жанубга 15000 километрга, шарқдан ғарбга ҳам яна шунча масофага чўзилиб кетган Тинч океани энг катта уммон ҳисобланади.

ОКЕАНЛАР ҚАНДАЙ ПАЙДО БЎЛГАН?

Тахминларга кўра океанлар сайёраимиз совиб, қаттиқ ҳолатга келгандан сўнг пайдо бўлган. Аммо у пайтлар сув ер қаърида эди. Фаол вулқонлар ва геизерларнинг кетма-кет отилиши натижа-сида мисли кўрилмаган миқдордаги сув буғи атмосферага чиқарилади. Та-шки оламдаги паст ҳарорат таъсирида буғ совуб, сув шаклини олади ва ерга ёмғир кўринишида қайтиб тушади. Йил-лар, балки асрлар давомида тинмай ёққан ёмғирлар оқибатида Ер қурраси-нинг чуқур жойлари сув билан тўлган ва океанлар пайдо бўлган.

Қирғоққа яқин жойларда океан туби са-ёзроқ бўлади ва у **континентал шельф** деб аталади. Океанининг туби чуқурлаш-гани сари ундаги тирик мавжудотлар тури ҳам ўзгариб боради. Энг чуқур қисм, яъни **абиссал худуд**га умуман ёруғлик тушмайди. У ерда шу шароитга мослаш-ган айрим тур балиқлар ва сув ости ўсим-ликларигина учрайди, холос.

ШЎР СУВЛИ КЎЛЛАР ҲАМ БОРМИ?

Каспий, Орол ва Ўлик денгизлар асли-да улкан кўллар бўлиб, уларнинг суви шўрлиги билан ажралиб туради.

Каспий денгизи Европа ва Осиё ора-лигида жойлашган бўлиб, Волга ва Урал дарёлари унга қуйилади. Каспий бошқа денгизлар ёки океан билан туташмаган.

Ўлик денгиз эса Иордания ва Исроил ўртасида жойлашган бўлиб, унинг суви бошқа барча океанларнинг сувидан бир неча марта шўрроқлиги билан ажралиб туради. Таркибида туз миқдори кўпли-ги боис унинг суви жуда зич. Шу боис Ўлик денгизда чўмилган одам умуман чўкмаслиги мумкин.

АҚШнинг Юта штатида эса Катта шўр кўл деб номланган кўл мавжуд.

КЎЛЛАР НИМА?

Қитъалар ичида жойлашган катта сув ҳавзалари **кўл** деб аталади. Кўллар аср-лар давомида ёмғир сувларининг тўпла-ниши ҳамда дарёлардан келадиган сув-лар ҳисобига пайдо бўлган. Баъзи кўллар ер ости дарёларидан ҳам сув олиб туради. Одатда кўлларнинг суви чу-қук бўлади. Аммо юқорида таъкидланга-нидек, шўр сувли кўллар ҳам бор.

ЖАК ИВ КУСТО КИМ?



Жак Ив Кусто дунёга машҳур океаншунос ва сув ости дунёси ҳақидаги кўплаб х у ж ж а т л и фильмлар, китоблар муал-лифидир. У 1910 йилда Франция-да туғилган. У акваланг ҳамда сув остида си-фатли видеотас-вирлар олиш имконини берадиган махсус видеокаме-рани иختиро қилган. "Калипсо" номли кемаси билан дунёдаги деярли барча океан ва денгизларни кезиб чиққан. Сув ости ҳайвонлари ва ўсимлик ду-нёси, уммонлар бўйида истиқомат



қилувчи халқларнинг турмуш тарзи-ни ўрганган. Сайёраимиз табиатини асраш бўйича кўплаб халқаро лойи-ҳаларга бошчилик қилган.

ЭНГ КАТТА КЎЛЛАР ҚАЙСИЛАР?

Каспий денгизи Ер шаридаги энг кат-та кўл ҳисобланади. Унинг майдони сал-кам 425 минг квадрат километрга тенг. Яна бешта кўлнинг майдони 50 минг квадрат километрдан катта. Улар ора-сида 65500 квадрат километр майдон билан Орол денгизи ҳам бор. Худуди 30 минг квадрат километрдан 50 минг квадрат километргача бўлган кўллар ўртача сув ҳавзаси ҳисобланади.

МАШҲУР ШАРШАРАЛАР ҚАЙСИЛАР?

Дарё ўз йўлида кескин чуқурликка дуч келиши мумкин. Сувнинг ана шу чуқурликка тепадан тикка тушиши **шаршара** дейилади. Венесуэлада-



ги Чурун дарёсида Анхел номли шаршара бўлиб, унинг баландлиги 978 метрга тенг. Шунингдек, Жану-бий Африкадаги Тугела (948 метр), Янги Зеландиядаги Сазерлэнд(579 метр), АҚШнинг Калифорния штати-даги Риббон(490 метр), Францияда-ги Гаварни(421 метр) ҳам энг катта шаршаралар ҳисобланади.

ДАРЁЛАР ҚАНДАЙ ПАЙДО БЎЛГАН?

Маълум бир ирмоқ бўйича оқиб, денгизга ёки бошқа каттароқ дарёга қуйиладиган сув оқими **дарё** дейи-лади. Дарёлар икки хил йўл билан пайдо бўлади:

- **Биринчидан**, булоқлардан тиним-сиз оқиб турадиган сув ўзаро ҳамда ёмғир сувлари билан қўшилиб, дарё-ни ҳосил қилади.

- **Иккинчидан**, тоғлардаги қорнинг эришидан. У эриб, чуққилардан пастга қараб оқади ва ўз йўлида бошқа ир-моқлар ҳамда ёмғир сувлари билан қўшилиб, катта оқим юзага келади.

ДУНЁДАГИ ЭНГ КЕНГ ДАРЁ ҚАЙСИ?

Жанубий Америкадаги Амазонка дарёси дунёдаги энг катта дарёлар-дан бири ҳисобланади. Бу дарё Бра-зилия, Венесуэла, Колумбия, Эква-дор, Перу, Боливия давлатлари худу-дидан оқиб ўтади. Марказий қисмла-рида унинг ҳавзаси 7050000 кило-метрли яшил худудни ташкил этади. Қуйи қисмларида унинг эни(кенгли-ги) 350 километргача етади ва бир сонияда 150 минг куб метргача сув ўтказиш имкониятига эга.

ДАРМОН тайёрлади.

Бир неча кундирки, она оғир бемор. Охири дори-дармон, тиббий ёрдамлар ҳам таъсир қилмай қўйди. Умири поёнига етаётганини сезган шекилли, оғрасира ўзига келганида кўзларини катта-катта очиб, тепасида турганларга илтижоли, умидли боқади. Синик овозда:

- Муроса қилинглр, - дейди. Катта ўғил Шербўта шуни сабрсизлик билан қотиб, қўлидаги бир varaқ қозғони онанинг юзига туттади.

- Ойижон, мана бу ерига битта қўл қўйворинг.

Буни кўриб, она юзини олиб қочади ва яна ўздан кетади. Уртанча ўғил Норқўзи акасининг хатти-харакатидан дили оғриб:

- Ака! - деди. - Бу нима қилганингиз? Ойим тузалиб кетсалар, юзларига қандай қарайсиз?

- Мен нима қилаётган бўлсам, билиб қилаяпман.

Можарога онанинг укаси Абдусамад ака аралашди:

- Бунинг нима? - деди Шербўтанинг қўлидаги қозғоз ишора қилиб.

- Васият! - деди Шербўта тап тортмай.

- Васият сўраб олинармикан? - деди Абдусамад ака жиянининг қилигидан оғриниб. - Нима бўлганда ҳам онанг ҳали тирик-ку!

Одам ажали яқинлигини кўнгли сезиб, ўзи айтдиганини айтиб қолса, ана уни васият дейишди. Аҳолини кўраясан, ҳозир онанга тинчлик керак.

Шу орада она яна бир ўзига келиб, атрофга - болаларига бир назар солди-да:

- Уй-Элбўтага, - деди ва бошини ёнбошига ташлади. Шу билан қайтиб ўзига келмай, тонг сахарга яқин омонатини топширди.

Дафн маросимлари ўтгач, ака-укалар орасида мерос масаласи яна кўзгалди. Абдусамад ака ҳам шу ерда, жиянларини муросага келтиролмай хуно эди. Маҳалланинг ёши улугларидан бўлгани учун бу можаро жанжалга айланиб, овоза бўлишини иснод, деб биларди.

- Нимага энди уй Норқўзига қолиши керак? - дерди Шербўта алам билан.

- Онанг айтди-ку, уй Элбўтага деб, - тинчлантиришга уринарди тоға.

- Айтган билан у ногирон-ку! Қандай уйлик бўлади? - деди Шербўта пичинг билан.

- Ногирон деб кўчага чиқариб ташлаш керакми? - жиянининг безбетлиги тоғага оғир ботди.

- Биламан, сенга қолса эрта-гаёқ олиб бориб топширворасан. Эсингдами, олдин отангга, кейин онанга нуқул шу гапни айтиб, асабларига тегардинг. Норқўзи қараб, олиб ўтирибди. Хали бир марта малол келиб, оғрингани йўқ. Шу томонини ҳам ҳисобга олсанг, уйга қўпқор Норқўзи ҳақли.

- Ҳақли, - захарли илжайди Шербўта, - янги уйи битган. Бориб яшайверсин. Бу уйни мен курганман.

- Сен курмасдан олдин отанонанг уйсиз, қапада, чодирда яшаган экан-да!

- Йўқ! Отам иккалаамиз эски уйларни бузиб, янгитдан қуриб чиқанмиз. Ишлаб топганим бари шунга кетган. Норқўзи ўқишда, кейин хизматда юрканди. Энди тайёрига эга чиқдимми?

- У пайта қозон, рўзгор битта бўлган. Норқўзи ҳам текин еб катта бўлмагандир. Сени ҳам отанг икки марта уйланди.

тирди. Уч хўжаликка етадиган жойини эгаллаб ўтирибсан. Салкам ўн хоналик дангиллама уйинг бор. Иккита қизингни чиқарсанг, битта ўғлингга шу жойинг ҳам етади-да! Бу қаёққа борсин? Қаторасига тўртта ўғли бор. Яна учта, камида иккита уй қуриши керак. Ҳеч бўлмаса шу ёғини ўйла. Узингнинг жигаринг-ку!

- Мен барибир қўймайман! - тишларини гичирлатиб, қўлларини мушт қилиб тугди Шербўта.

Бу ёқда сингиллари Хайриниса оловга мой селгандай онаси яшаган, бемор ётган хонанинг эшигини қулфлаб, ичидаги буюмларини олиб кетиш учун тахт қилиб қўйганди.

- Шу ҳозир зарурмиди? - деди Норқўзи синглисига таъна қилиб. - Кўнглингга сизгайтими?

- Мен ҳам фарзандман. Бу уйда менинг ҳам ҳақим бор, - деди Хайриниса пинагини бузмай.

- Акангиз келдилар. Ўтирмадилар ҳам. Тик турган жойларидан тайинлаб кетдилар. Эрта-индин қайноғаси тўй қилаяпти экан. Биз каттаимизни суннат қилганимизда қайнотаси юз кило гуруч ҳадя қилган экан. Ушани қайтарамиз экан. Бозорнинг энг олди гуручини ё ушани пулга баҳолаб, пулини олиб борсин, дедилар.

- Энди бу йўл билан алам қилдирмоқчи бўлибди-да! - нафратланиб кетди Норқўзи.

- Ундай деманг, - босиқ бўлишга ундади хотин. - Нима бўлганда ҳам акангиз. Тўёна ҳам қарздай нарса. Олмоқнинг бермоғи ҳам бор-да!

- Тўғри, - деди Норқўзи. - Лекин у пайта оталар ҳаёт эди. Қандай келишишган, билмайман. Ушандан бери улар ҳам бунақа тўйлардан нечтасини қилишди. Шу вақтгача индамай, энди қистаб қолганини қандай тўнунши керак? Майли, эртага

- Ҳақингни олиб кетганимга ўн беш йил бўлди. Ҳозир бировнинг хасмидаги хотинсан. Ҳақингни ажратиб ол, деб эринг жўнатдимми? Қандай ўзига эп кўрди?

- Эримга тил теккизманг! - саччиб тушди Хайриниса. - Менинг эрим эркак!

- Шунинг учун ҳам кунда, кунора калтак ейсан экан-да! - деди Норқўзи киноя билан. - Ўзи бу эрингга тегишингга дадам рози бўлмагандилар. Айб ўзингда бўлгани учун дадам борларида арз қилиб келишга бетинг йўқ эди. Энди тилинг бурро бўлиб қолдимми? Шу матоҳлар билан тинчидиган бўлсанг, жанжал қилмай тушунтирсанг бўларди. Ҳали у ерда онам ўзларининг маъракаларига атаб йиғиб қўйганлари бор.

- Уй-жой сизга қолаяптими? - деди сингил акага тик қараб. - Камини ўзингиз кўтарасиз. Шербўта акам ҳам тўғри қиладилар.

- Э, бор-е! - хуноби ошиб қўл силтади Норқўзи. - Ака-сингил қўлларингдан нима хунар келса, кўрсатаверинглр. Зўр келса маҳаллага шарманда бўлармиз.

Мерос можароси ҳал бўлмади. Норқўзи ота уйида болалари ва, ногирон укаси Элбўта билан яшашда давом этарди. Шербўта уйга расман эгалик қилиш учун идораларга мурожаат қилиб кўрди, аммо ҳеч бир иш чиқаролмай, аламини ютиб қолаверди. Бир куни Норқўзи ишдан келганда хотини қутилмаган гап айтиб, анча таъбини хира қилди.

- Акангизнинг хотини, овсиним айтганмиш, Норқўзини бир тепапан, уйдан чиқиб кетганини билмай қолади, деб.

- Ҳа, аҳмоқ хотин-а! - деди Норқўзи. - Майли, биз оғирроқ бўлаверайлик. Қани, қаёққача қўллари, нимагача кучлари етаркан? Акам бу уйга меҳнат қилган бўлса, ўзи ҳам икки марта уйланди. Уша пайтлар мен ишлаб топганимнинг бари ни отамга берганман. Миннатмас-у, онамнинг маъракаларини ҳам ўзим ўтказдим. Бу ҳисобга ўтмасмикан?..

Шу йили ёз охири эди. Норқўзи одатдагидек иш кунларининг бирида уйга келганида хотини уни яна бир жиддий гап билан қарши олди.

шиб, қовоқлари уйилиб, афти тундлашди.

- Келинг, - деди истар-истамас.

- Тўйлар қуллук бўлсин, - деди Норқўзи бироз довдираб.

- Раҳмат, қани ичкарига. Ичкарига киришгач, хонадон соҳибаси Норқўзини кўриб, у ҳам эрининг ҳолатига тушди.

"Мунча қовоқ-тумшук қилишмасанг?! - оғриниб кўнглидан ўтказди Норқўзи. - Мен меҳмон бўлиб тўй егани келибманми?"

Киришгач, боғия эркак хизмат қилиб юрганларга:

- Меҳмонга қаранглр, - деди-ю, ўзи қаёққадир чиқиб кетди.

Норқўзи рўпарада турган устига эскироқ шолча тўшалиб, четларига ранги ўчган кўрпачалар солинган сўрининг четига бориб ўтирди. Бироздан кейин аста атрофга разм солди. Ҳовли четидаги дарахтга сўйиб,

ринглр, менинг қорним тўқ. Йигитчалар қандай йиғилишган бўлса, дастурхон бўшагач, ўшандай туриб кетишди.

Салдан кейин тўй эгаси қаердандир қайтди. Уни кўрган Норқўзи туриб, қарши-сига келди.

- Абдураззоқ, - деди чўнтагидан қозғозга қалин қилиб ўралган пулни чиқариб, - шуни олиб қўйинг. Биздан тўёна.

- Нима қилардингиз уриниб? - Абдураззоқнинг чеҳраси ёришиб, кайфияти кўтарилди. Кейин ёнига келган хотинига пулни узатаркан, Норбўта ўтирган жойга кўзи тушиб қойинди.

- Тўйга келган меҳмон ўша ўтирганича ўтирибдими? Тузукроқ жой қилиб беролмадиларингми?

- Қўйинг, хижолат бўлманг, - деди Норқўзи. - Едик, ичдик. Камчилик бўлгани йўқ. Энди менга жавоб.

- Йўқ, ундай қилманг! - норози тус олди Абдураззоқ.

- Бу кеча энди қоласиз. Отам-лашамиз. Маишат бўлади. Эрталаб наҳр, кечкурун базм. Шу баҳона бир келиб қолибсиз.

- Йўқ, узр, - унамади Норқўзи. - Эрталаб ишга боришим керак. Бу ер ишхонадан узок. Кейин маишатдан бориб қандай ишлайман?

Абдураззоқ ноилоҳ кўчага кузатиб чиқди.

- Абдураззоқ, - деди Норқўзи чиқишгач, - сингилнинг бизга келиночи бўлади. Мен яхшими, ёмонми акам билан бир кун муросага келарман. Сингилнингизга айтинг, бўлар-бўлмас гап таркатавермасин.

Норқўзи хотинидан эшитганини айтди.

- Аёл кишини эркак ҳақида бундай дейиши ақлга ҳам тўғри келмайди.

- Майли, гаплашиб қўяман, - деди Абдураззоқ жиддийлашиб. - Аҳмоқлик қилган-да! Эркакларнинг орасига сукулиб нима қиларкан? Нима бўлганда ҳам бизга сизларнинг тинчликларинг керак.

Норқўзи елкасидан босиб турган оғир юқдан халос бўлгандай енгиллашиб йўлга тушди.

Уйга келиб, кунботарга яқин пайт энди болалари билан кечки овқатга ўтираётганди, кимдир овоз бериб чакирди, у чиқиб борди. Акаси Шербўта экан.

- Бўл, кийин, - деди Шербўта. - Тўйга борамиз. Эртага тайёрига бориш тўғри келмайди.

- Йўқ, ака, - деди Норқўзи хушламай, - роса чарчаганман. Мен бориб келдим. Берадиганимни ҳам бердим.

- Нима?! - ранги гезариб, кўзлари ола-қула бўлиб кетди Шербўтанинг. - Тўёнани ҳам бердингми?

- Ҳа, бердим, - деди Норқўзи хотиржам.

Шербўта бир муддат аламдани нима қилишини ҳам, нима дейишини ҳам билмай довдираб қолди. Ниҳоят ўзини қўлга олган бўлди-да:

- Бўлди! - деди. - Сен билан энди борди-келди ҳам, салом-алиқ ҳам йўқ...

Шундай деб шарт бурилиб йўлга тушди. Норқўзи акасининг кетидан бироз афсус ва ачиниш билан қараб турди-да, қораси ўчган, қўл силтаб, уйига қайтиб кирди...

Амаки, чой ичинг. Дастурхонга қараб ўтиринг.


- Раҳмат, - Норқўзи чойини олиб бир хўтлади-ю, пиёлани пастга қўйди. - Сизлар бемалол олаве-

териланган қўй танаси осиб қўйилган. Бир қассоб иккита ёш йигит ёрдамида новвоснинг терисини шиларди.

Норқўзига ора-сира ҳовлидагилар бир-бир қараб қўйишганини айтмаса, ҳеч ким ундан: "Кимсан, нима қилиб ўтирибсан?", деб сўрамади ҳам. Норқўзи ҳам сотиб олган газетасини varaқлаб, икки соатча ўтирди. Фақат шундан кейин сўрига дастурхон ёзилиб, пиширик, қанд-курслар қўйилди. Хизматдаги йигитлар бирпасда йиғиллоқ томон йўлга тушди. У маҳалладан йигирма чақиримча нарида эди. Ҳеч бормаган экан, тўй бўлаётган хонадонни зўрға топди. Йўл-йўлакай қалин, серварақ газета ҳам олволди.

Дарвоза қаршисига келиб, аста овоз берди. Ҳовлидан кўринишдан ўзига бино қўйгани сезилиб турган ўрта ёшлардаги йигит чиқиб, Норқўзига кўзи ту-

АЛАМ



Турмуш сабоқлари

ринглр, менинг қорним тўқ. Йигитчалар қандай йиғилишган бўлса, дастурхон бўшагач, ўшандай туриб кетишди.

Салдан кейин тўй эгаси қаердандир қайтди. Уни кўрган Норқўзи туриб, қарши-сига келди.

- Абдураззоқ, - деди чўнтагидан қозғозга қалин қилиб ўралган пулни чиқариб, - шуни олиб қўйинг. Биздан тўёна.

- Нима қилардингиз уриниб? - Абдураззоқнинг чеҳраси ёришиб, кайфияти кўтарилди. Кейин ёнига келган хотинига пулни узатаркан, Норбўта ўтирган жойга кўзи тушиб қойинди.

- Тўйга келган меҳмон ўша ўтирганича ўтирибдими? Тузукроқ жой қилиб беролмадиларингми?

- Қўйинг, хижолат бўлманг, - деди Норқўзи. - Едик, ичдик. Камчилик бўлгани йўқ. Энди менга жавоб.

- Йўқ, ундай қилманг! - норози тус олди Абдураззоқ.

- Бу кеча энди қоласиз. Отам-лашамиз. Маишат бўлади. Эрталаб наҳр, кечкурун базм. Шу баҳона бир келиб қолибсиз.

- Йўқ, узр, - унамади Норқўзи. - Эрталаб ишга боришим керак. Бу ер ишхонадан узок. Кейин маишатдан бориб қандай ишлайман?

Абдураззоқ ноилоҳ кўчага кузатиб чиқди.

- Абдураззоқ, - деди Норқўзи чиқишгач, - сингилнинг бизга келиночи бўлади. Мен яхшими, ёмонми акам билан бир кун муросага келарман. Сингилнингизга айтинг, бўлар-бўлмас гап таркатавермасин.

Норқўзи хотинидан эшитганини айтди.

- Аёл кишини эркак ҳақида бундай дейиши ақлга ҳам тўғри келмайди.

- Майли, гаплашиб қўяман, - деди Абдураззоқ жиддийлашиб. - Аҳмоқлик қилган-да! Эркакларнинг орасига сукулиб нима қиларкан? Нима бўлганда ҳам бизга сизларнинг тинчликларинг керак.

Норқўзи елкасидан босиб турган оғир юқдан халос бўлгандай енгиллашиб йўлга тушди.

Уйга келиб, кунботарга яқин пайт энди болалари билан кечки овқатга ўтираётганди, кимдир овоз бериб чакирди, у чиқиб борди. Акаси Шербўта экан.

- Бўл, кийин, - деди Шербўта. - Тўйга борамиз. Эртага тайёрига бориш тўғри келмайди.

- Йўқ, ака, - деди Норқўзи хушламай, - роса чарчаганман. Мен бориб келдим. Берадиганимни ҳам бердим.

- Нима?! - ранги гезариб, кўзлари ола-қула бўлиб кетди Шербўтанинг. - Тўёнани ҳам бердингми?

- Ҳа, бердим, - деди Норқўзи хотиржам.

Шербўта бир муддат аламдани нима қилишини ҳам, нима дейишини ҳам билмай довдираб қолди. Ниҳоят ўзини қўлга олган бўлди-да:

- Бўлди! - деди. - Сен билан энди борди-келди ҳам, салом-алиқ ҳам йўқ...

Шундай деб шарт бурилиб йўлга тушди. Норқўзи акасининг кетидан бироз афсус ва ачиниш билан қараб турди-да, қораси ўчган, қўл силтаб, уйига қайтиб кирди...

Амаки, чой ичинг. Дастурхонга қараб ўтиринг.

- Раҳмат, - Норқўзи чойини олиб бир хўтлади-ю, пиёлани пастга қўйди. - Сизлар бемалол олаве-

- Нафасингни ростлаб ол. Тез юрдингми, дейман. Ҳозиргина кичик укангнинг хотини телефон қилган эди... Унинг юраги "шув" этди.
- Акангнинг мазаси қочганмиш, тез етиб келинглар, дейишди...
- Акам ўтибдими? Яширмай, айтаверинг... - яна эридан эшитадиган гапига олдиндан қаноатланмагандек, қўлини ёнгинасидаги телефонга узатди.
- "Алло!" дан сўнг бир дам қулоқ солиб турди-да:
- Болаларининг ҳаммаси тепасидами? Ҳозир борамиз! - деди.
Нима кийим олишини билмай, у хонадан, бу хонага гангиб юра бошлади.
Эрига:
- Мана бу қовогим уч-тўрт кундан бери лип-лип қилади, ҳеч тўхтамайди-я! - деди.
Бу рост. Қовоғи неча кундан бери учуради. Лекин ўнг қовоғи бўлгани учун

Ақаси оппоқ жужун китель ва шимини ҳар куни ювдириб, сингилларига дазмоллатиб, оқ брезент туфлисига тиш порошогини намлаб яхшилаб сурттириб (анчагина сатанг эди бояқиш), кечкурунлари бог сайлига чиқиб кетарди.
Шуни эслаганида, кўз олдига ҳовлидаги экинлар ичида куймаланиб юрган онасининг гуллари оқариб кетган штапель бўйлаги келди-ю, юраги бир ғалати бўлиб ююшди, кўзларидан тирқираб ёш чиқиб кетди. Бояғи биқиклик кўрагини энди ёриб чиқдимми, дастрўмолини юзига босганича силкина бошлади. Эри машинани йўл четига олиб чиқиб тўхтатди:
- Шунақамас-да... Сал орқага ташла энди, ўлганни тирилтириб бўлармиди? Ота уйидагини эрига сир бой бермасди. Ота-онасидан кейин эри бу уйга фақат уқасининг тўйларида келар, қайин оғасини унча хушламасди.
- Тўғри айтасиз, - дарров енгилла қол-

си билан сал чиқиша оларди.
Шу пайт эшик олдига машина келиб тўхтади.
- Вой жигаре-е-ем!!!
Жим-жит бўлиб турган ҳовли бирданига катта кулфатли, мотамсаро жой тусини олди. Эшиқдан кичик опа кўзларидан шашқатор ёш оқиб, бошига тушган навбатдаги кулфатдан қадди буқилганча деворни ушлаб келарди. Унга пешвоз чиққан катта опанинг ҳам кўзларидан бетинан ёш оқа бошлади, иккалови кўришаётганда овоз чиқариб йиғи беришди:
- Оқ сутларнинг қаймоғини эмган, жигаре-е-ем...
- Тўнғичим деб тўрларда сийланган, жигаре-е-ем...
Ақаси кичик опани "Оиланинг режисёри, дирижёри-шу!" дерди. Дарҳақиқат, мана, ўртанча сингил келди-ю, назарида кўп нарсага ойдинлик кирди. Қизу келинларнинг, ҳатто ўзининг ҳам қуруқ кўзла-

Кизларига оталик меҳри йўқ, катта ўғли билан юз кўрмас эди. Улар билан соғ ё касал пайтида розилик тиллашганига кўзи етмайди. Опасининг бу сўзлари, бу ҳаракатида ҳали совимаган тандан шу ризоликни чиқариш илнжини сездди. Нима бўлса ҳам акам оёқ-қўлини узатиб кетсин деб уринаяптимми? "Акам катта ўғлини кечирдимкин? Ота ризолигисиз бунинг ҳоли энди нима кечади?"
Катта жиянининг ҳозир талмовсираб юриши фақат отасининг ўлимидан қайғуришнинг ўзигина эмасди. Ўзига ўхшаб у ҳам изтироб чекаётгандир балки.
Катта ўғли армияда Узоқ Шарқда хизмат қилганида ақаси уни кўргани янғаси билан бирга борган, қайтишда янғасини поезданоқ олиб касалхонага ётқизишган эди. Ушанда кичик опаси куйиниб:

АЗАГА БОРГАН ХОТИНИ

зўр севинч - яхшилик кутаётган эди.
"Наҳотки акам ўлими мен учун яхшилик бўлса?" - даҳшатли фикр хаёлидан ўтди. Аммо шу захоти бу воқеа унинг учун ўзини-ўзи уриб йиғлаш, куйиниш даражасидаги ёмонлик ҳам эмаслигини ич-ичида англади-ю, буни ўзидан бошқа ҳеч ким билмагани, сезмагани учунми, ҳатто уялмади ҳам.
Мошранг кўйлагини кийди. Азага келганлар уни ҳам кузатишади, албатта... Аммо калиш-маҳсисини киймади. Калиши эскироқ экан. Уч-тўрт кун аза деб янги калиш олдирадими энди? Қаердадир ичида яна: "Ҳарсиллаб, қийналиб, маҳси тортганимни билармиди акам?" деган ўй хаёлидан ўтди.

Яна ичида ўтган бу хаёл тагида "Жон куйдиришга арзиримди акам?" ётганини ҳеч ким билмаганига ишончи қомил - уялмади.
Машина дарров ўт ола қолди. Шу дам негадир хаёлидан ўтди: "Ҳа-а, вақти қазоси келса, ўзидан бошқасини билмай, жонини азиз қилиб юрадиганлар ҳам ўтар экан... Аммо ўлимдан жуда кўрқар эдилар бояқиш..."

Ҳозир ўзи катта бўлган ҳовлига кириб боришини кўз олдига келтирди. У - майитга (ҳудо раҳмат қилсин!) кичик сингил, болаларига кичик амма. Кириб бораётганда бир-икки куйиниб (жигар учун куймайсанми ахир?) айтиб йиғлаши, ҳаммага сабр тилаши керак. Аммо кўзида нам йўқ ҳозир. Кейин ҳам кўзига ёш келиш-келмаслигини билмайди. Бошқалар назарида тошбағир сифатини олмаслик учун зўр бериб ақасининг киши кўнглини илтидиган яхшиликларини эслашга ҳаракат қилди. Ёш ҳам эриган кўнгиладан чиқади-да! Қалбинг юмшаб, ийиб турмаса, кўз ёш қайдан келадиган?

Зўр бериб ақасининг қилган яхшилигини эслаш учун хотирасини кавлаштиришга ҳаракат қилди. Топди!
Биринчи синфдами эди. Бир кунни оёғи қаттиқ оғриб мактабдан кела олмай қолди. Шунда ҳеч кутмаганда ақаси келиб, опичлаб олиб кетган эди. Кела келгунча ақасининг елкасида гурурланиб келди. Бироқ уйга олиб келиши билан ақаси: "Олинг бунингизни!" - деб қаровотга итқитиб юборди. Чамаси у қилиб қўйган яхшилигидан ўзи уялаётгандек эди. Онасининг зўри билан борган экан...

"Улган одам ҳақида ёмон ўйлаш ҳам гуноҳ!" - ўзини-ўзи койиди ва яна хотираларини титқилай кетди. Лекин ақасининг эшиқдан иккита нон кўтариб кириб: "Она, яхши ўтирибсизми?" - деганини эслолмади. Хайитми, байрамми, тўйдами-онаси ёки сингиллари бошига оқорлик солганини, кутлаганини ҳам билмайди.
"Латтафуруш бўлма! - уришди яна ўзини-ўзи. - Иззат матодами?"
Тўғри, иззат матодамас...

ди. - Болалигимиз эсимга тушди... Нима қилса ҳам, бир қориндан тушганмиз... Юраверинг...

Ақасининг бир умр ўздан кейингиларини ёқтирмаганини эслаб, кўзи тезда яна қуриди. Кўзига ақасининг чимирилган қошлари, даканг хўроздек бўйинини мағрур тутиши кўринди. Яна қулоғи остидан унинг: "Шуларингиз тугилмаганда бир ўзим яйраб юрардим!" деган гапи жаранглагандек бўлди.

Ақаси бир умр яйрашга ҳаракат қилди-ю, лекин ўтган кунларидан рози бўлмаганидек, атрофидагилардан ҳам ҳеч хурсанд бўла олмади. Бировларнинг хурсандчилигини кўтара олмасди бояқиш. Ақасининг шарақлаб қулганини, бировга сидқидилдан ёрдам берганини ҳам эслолмади. Ҳамманинг сўзсиз ўзига итоат этишини хоҳларди. Бир кунни сўзига кирмаган уқасини калтаклаётганида онаси ўртага тушганда, онасини ҳам елкасидан туртиб юборди, юзига қаттиқ сўкинди. Шунда қиз бола бўлишига қарамай, чидаб туролмади. Онаси, уқаси ёнига тушди. Бу ишлар бўлиб ўтганига кўп бўлди-ю, ўшандан бери ақасига ҳеч кўнгли илимайди. Ақа унга талпинмаганидек, у ҳам акага меҳр илинмайди.

Онасининг неча марта йиғлаганини кўрган бўлса, ҳар гал ҳам бу ақаси билан боғлиқ бўларди... Бир қориндан тушган олти фарзанднинг бештаси бир кўтба, бир ақаси иккинчи кўтбада эканлигига, бунинг гайритабиийлик жойи йўқлигига ақли энди етарди. Ақли етарди-ю, барибир ҳозир кўпчилик олдида кўзи қуруқ турса...

Эшиқлари олдида ҳали ҳеч ким йўқ эди. Ҳовлидаги ёғоч қаравотда катта опаси хомуш ўтирар, чамаси у ҳам ҳозиргина келган-у, нима қилишини билмасди. Бориб опаси билан кўришди, унинг кўзидан мунгсиз оқаятган ёшни кўриб ғалати бўлиб кетди. Қўлидаги рўмолчаси билан унинг ёшларини артиб, ёнига чўкди. Ҳовли этагидаги ошхона тарафда гивирсиб юрган ёшлар келиб кичик амма билан кўришди.

Ақаси шу сўрида ўтириб, тепасидаги радиони тинглаганича дунёнинг ишларидан хабардор бўларди. Айрим пайтлар: "Доим ёлгон гапирди булар!" деб радиони улоқтириб юборгиси келарди. Лекин улоқтирмади.

Ақасининг жони шу сўрида узилибди. Балки вақти қазоси яқинлашганига ҳам ишонмагандир... Бўлмаса, жилла бўлмаганда ўртанча сингилга сим қоқмасиди? Кейинги пайтда фақат ўртанча сингли-



Аёл иқлими

рига ёш қалқиди. Кичик опа ҳовлидагилар билан кўришиб, йиғлашиб бўлгач, йиғи овозини эшитиб чиққан кўни-қўшни, етиб келган куда билан биргалликда майит ётган хонага киришди.

Боши қибла томонга қилиб ётқизилган ақаси бурчакма-бурчак арағ сикқан, атроф ўй анжомлари билан тўлиқ эди. Ҳатто майит атрофига кўрпача солишга ҳам жой йўқ.

Опаларининг иккаласи ақаси ёнига ноқулай мук тушиб, яна биров "жигарим!" - лашди. У эса худди қарахотдек, дастрўмолини лабига босганича эшик олдида тик турар, нима қилишини, нима дейишини ҳам билмасди.

Эришмаган мақсадингиз кўпмиди, жигарим! Ушалмаган армонларингиз кўпмиди, жон чиқарда ҳам бармоқларингиз ёзилмабди...

"Дирижёр" опа майитнинг ҳали жуда совиб улгурмаган қўлини ёнига чўзганича бармоқларини биттама-битта аста-аста силаб тўғрилаётган эди...

- Қай биримиздан кўнглингиз тўлади?! Айтилмаган нима гапингиз қолди? Ақаси уқа-сингиллари тугул ўз фарзандларини ҳам чиқиштирмасди.

- Ҳаммаси худоданку-я, лекин янгамни ақамнинг тор феъли еди шекилли! Нима бўлганини янгам сир бой бермаяпти, "Ақангизни биласиз-ку!" деди-қўйди. Аммо одамни қулатар даражада нимадир бўлган! - деганди.

Аслида аскар йигит ота-онасига Тошкентда севглисини борлигини, уни ўзи хизматини тугатиб боргунигача уйларига қабул қилиб, боласини набири ўрнида суйиб тарбия қилишларини сўраган... Ўша ердаёқ отанинг қаҳри келиб, ақаси билан бирга ўша аёлни дейдиган бўлса, уйга киритмаслигини, оқ қилишини айтган. Онанинг зорига қулоқ солмай, ўғил армиядан қайтганида ақаси уйга киргизмаган. Янғаси худонинг зорини қилиб:

- Ўзингиз ҳам ёшлигингизда шу кўнадан ўтдингиз-ку! Мана бинойи беш фарзандлик бўлиб ўтирибмиз! - деб таъна қилса ҳам... Ўғилнинг уволлига қоламыз, буни худо ҳам, бандаси ҳам кечирмайди, дадаси! - деб ялчириб-ёлворса ҳам ўжарлигидан тушмаган. Ақасинча қажбахслик билан деганди:
- Агар менга қаттиқ туришганида, "Уч ўйланган" номини олмасдим ҳозир!

Ўша инсулт оқибати янғаси эллиқда қазо қилди.

Ҳозир кичик опасининг бу гағларига, жигарининг совуқ бармоқларидан чўчимай силаётганига қараб, эти бир жунжикди. Бир зум кўнглидан: "Опанинг ёнига мук тушиб, мен ҳам ақамнинг қўлларини силашим, у ер-бу ерини туза-тишим керакмиди? Ахир мен ҳам шулардек сингилман!" - кечди. Лекин оёғи ҳам, қўли ҳам бу ақасига юрмади. Опасига қараб туриб ўйлагани шу бўлди: "Опагинам, шу силаётган қўллар юзингизга трасаки туширганларини наҳот унутдингиз?! Ҳозир жонсиз шу тиллар: "Менга ўнта сингилдан, ўз вақтида берилган бир коса шўрва афзал! - деганини ҳам унутдингизми?!"

Наҳот опаси ҳаммасини унутди? Нега ўзи унута олмаяпти? Нега жигари тепасида опасичалик қуя олмапти? Шунчалар тошбағир бўлиб кетдимми қалби?!

Ёки опаси ҳам киши кўзига меҳрибон сингил ролини уйнаяптимми?

"Нега унда мен ҳам шундай қила олмайман?" яна хаёлидан кечди. Шунини ўлади-ю, опасининг минг жабрлардан омон чиқишига сабаб, шу жигаржонлиги, кечирувчанлиги деган хулосага келди. Аста ақасининг совиған жасади устига энгашар экан, ёноқларини кўзларидан оққан ёш юваётганини сездди:


- Сиздан минг бор розиман, жигарим! Сингилнингиздан рози бўлинг, жоним жигарим! - деди оловли нафас билан. Бу нафас ичидан, ўша оловли ёш чиқаётган юракданлигини англаб, кўнгли бир енгил торди, бирам енгил торди.

Раҳима ШОМАНСУРОВА



ЗИҚНАФАСДАН ҚИЙНАЛГАНДИМ...

Йиллар давомида зикнафас (астма) касаллигидан қийналдим. Бир ҳамкасбим тавсия этган мана бу усул эса менга ёрдам берди. 400 граммдан сариёғ, шакар олинмиб, гўшмайдалагичдан ўтказилади. Унга 200 грамм пиёз, 150 грамм асал, 150 миллилитр алоэ шарбати қўшилиб яхши-



лаб аралаштирилади. Сўнг духовкада паст оловда уч соат пиширилади. Бу аралашмани кунига уч маҳал 1 ош қошиқдан овқатланишдан 15 дақиқа олдин истеъмол қиласиз. Муолажа давомийлиги 15 кун. Зарурат туғилганда муолажани қайтариш мумкин.
С.АНВАРОВА,
Оҳангарон шаҳри.

АЛДАНИБ ҚОЛМАНГ!

Асал харид қилишда унинг тоза ёки йўқлигини кўпчилик яхши тушунмайди. Аслида буни аниқлаш унча қийин эмас. Бунинг учун бир қошиқ асални оғизга солиб шимиғач, устидан 1 ош қошиқ қайноқ сув ичиб юборилади. Агар асал тоза бўлса оғиз қуймайди, шакар қиёми қўшилган бўлса, оғиз қуйиши ҳеч гап эмас.
Р. ТУРОПОВ,
Самарқанд вилояти, Ургут тумани.

КУЙИШНИ ТУЗАТАДИ

Бир куни кўлимга қайноқ сув тўкилиб кетди. Қўшимизни кига дори сўраб чиққандим, у бирпасда малҳам тайёрлади, куйган билагимга босди. Уни мен ҳам ўрганиб олдим. 1 стакан кунгабоқар ёғига 1 дона тухум оқини қўшиб кўпиртирилади. Қуюлгач куйган жой-



га суриб қўйди. Бу малҳамни музлаткичга қўйиб то тери тузалгунча фойдаланиш мумкин. Бу махсулотлар ҳар доим уйда топилади ва осон тайёрланади.
М.КАРИМОВА,
Сурхондарё вилояти, Узун тумани.

ЙОД БИЛАН ДАВОЛАДИМ!

Ёшим 60 да. Бир куни оёғимнинг бош бармоғи ёнидан кичик суяк ўсиб чиққанини кўриб қолдим. Пойафзал кийганимда у қаттиқ оғриқ бера бошлади. Шифокор дугонам шу жойга йод суришни маслаҳат берди. Шундан

сўнг ҳар куни бир маҳалдан суяк устига йод сурдим. Йод суришдан олдин эса уқаладим. Орадан икки ой ўтгандан сўнг суяк йўқолди.
М.АБДУЛЛАЕВА,
Тошкент вилояти, Паркент тумани.

БУ НОЗИК КАСАЛЛИК...

Турмуш ўртоғим узоқ йиллар хайдовчи бўлиб ишлади. Шунинг оқибатида бавосил (гемор-



рой) касаллигини орттириб олди. Қишлоғимиздаги кекса бир табиб эримга мана бу усул билан даволаниб кўришини тавсия қилди. 1,5 ёки 2 литр сутни қайнатиб кичикроқ тоғорачага солиниб то совугунча ўтирилади. Бу сутли ванна бавосил касаллиги бутунлай йўқолгунча давом эттирилади. Батамом тузалиш учун 5-8 муолажа кифоя қилади.
Л.ВОХИДОВА,
Самарқанд вилояти, Булунгур тумани.

ЧИРОЙЛИ ВА ШИФОЛИ...

Қишлоққа борганимизда тўсатдан қизимнинг тиши оғриб қолди. Шаҳардан олисдамиз, шифокор йўқ. Онам тувақда ўсиб турган дасторгулнинг баргини олди-да, эзиб-эзиб қизимнинг оғриётган тишига қўйди. Барглари ҳар соатда янгисига алмаштирдик. Бир соатдан сўнг оғриқ қол-

ди. Эрталабгача эса юзининг шишгани ҳам йўқолди. Шундан сўнг уйда дасторгул ўстира бошладим. Кимнинг уйда дасторгул бўлса, унинг шифобахш хусусиятларини билиб қўйишса зарар қилмайди.
Ф.СИДДИҚОВА,
Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳри.

ОТҚУЛОҚ ШАРБАТИ...


Бир неча йил аввал ошқозонимда яра пайдо бўлди. Шифокорлар тайинлаган дори-дармонларни ичганимда қайт қилардим. Бир танишим эса отқулоқ (подорожник) шарбатидан ичиб кўришни маслаҳат берди. Отқулоқ баргларидан шарбат тайёрладим. 1 стакан чойга 2 чой



қошиқ отқулоқ шарбати ва бир чой қошиқ наъматак шарбатини аралаштириб ича бошладим. Икки ҳафтадан сўнг ошқозоним оғримай қўйди. Шунингдек. Ҳар куни эрталаб қийнайдиган йўталиш ҳам тўхтади.
В. АБАЗМЕТОВА,
Тўрткўл тумани.

ОҚ ДОГЛАРНИ ЙЎҚОТИШ

Қайнонамнинг кўлида, айни кўринадиган жойида оқ доғлар пайдо бўлди. У бундан жуда хижолат бўлиб, кўчага ҳам чиқмай қўйди. Шифокорлар тайинлаган муолажа билан бирга мана бу табибий усуллардан ҳам фойдаланиб уни даволай бошладик.
● Газанда ўт (крапива) баргларидан шарбат тайёрлаб ҳар куни уч маҳал 1 қошиқдан ичилади.
● Газанда ўт барглари ёки шарбати билан теридаги оқ



доғлар артиради.
● Сули (овёс) донини сутда қайнатиб кунига 0,5 стакандан ҳар куни уч маҳал ичилади.
● Сабур (алоэ)нинг баргларидан шарбат тайёрлаб 1 чой қошиқдан кунига 3 маҳал ичилади ҳам фойда беради. Муолажалардан сўнг ҳар куни тоза ҳавода сайр қилинади. Ана шу муолажалар қайнонамнинг оқ доғлардан фориг бўлишига ёрдам берди.
Ш. ВАХОБОВА,
Тошкент шаҳри.

ОНАМНИНГ МУОЛАЖАЛАРИ...

Онам кўп касалликларни ўзи даволайди. Онамнинг дафтарида кўчириб олган қуйидаги муолажа усуллари кимгадир асқотиб қолиши мумкин.
1. Қон босими ошганда 1 дона лимонни кирғичдан чиқариб, таъбга қараб асал қўйилади. Аралашмадан кунига овқатдан олдин 1 ош қошиқдан истеъмол қилинади.
2. Асабларни тинчлантириш учун кўлмоқ гуддачаларини

(шишек хмелья) кукун холига келтириб овқатдан олдин 0,5 чой қошиқдан сув билан ичилади.
3. Юрак хуруж қилганда уйингизда зарур дорилар бўлмаса, 1 дона саримсоқпиез бўлагини ютиб юборинг. Ушбу оддийгина муолажаларнинг одамларга фойдаси тегишини истардим.
С. ОЛИМОВА,
Андижон вилояти.

ТУЗНИ ЭРИТАМИЗ...



Умуртқа погонамда туз пайдо бўлди. Тавсия этилган барча муолажалар эса фойда бермади. Кейин аёлим эшитган бир усулни қўллаб бошладим. У фойда берди. Шундан сўнг гавдамин тик тутиб, оғриқдан қийналмайдиган бўлдим. Бунинг учун 2 кило сельдерни майдалаб 1 кило асал билан аралаштирилади. У салқин ва қоронғи жойда (фақат музлаткичда эмас) сақланади. Аралашмадан кунига 1 ош қошиқдан уч маҳал истеъмол қилинса дардан форм қилади.
Й. ЭРГАШЕВ,
Қйрай тумани.

БОДИНГИЗ БЎЛСА...

Бўғинларим қакшаб оғриганидан кечалари ухлай олмасдим. Бир куни дўстим меҳмонга келди. У кечаси туриб дори ичиб юрганимни кўрибди. Унга сабабини айтгандим. Мана бу усулни тавсия қилди. Бу муолажанинг фойдасини бир ойда сездим. Уни тайёрлаш қийин эмас.

1 ош қошиқдан қора андиз (корни девяссила), қарикиз (лопух) олинмиб устига 300 миллилитр сув қуйилади. Бугда 20 дақиқа тутиб турилади. Сўнг сузиб олиб, 1/4 стакандан кунига 3-4 маҳал ичилади.
У. МЕХРИДДИНОВ,
Фарғона шаҳри.

ТОМОҚ ОҒРИГАНДА...

Мен ҳар доим анорнинг қуритилган пўстини сақлаб қўяман. Уйимизда кимнингдир томоғи оғриб қолса қуйидагича дамлама тайёрлаб, уларнинг томоғини чайдираман. Қуритилган анор пўстидан 1 ош қошиғи-



нинг устига 1 стакан қайноқ сув қуйиб, 20 дақиқа тиндириб қўяман. Ушбу аралашма билан оғриётган томоғини бир неча марта чайилса кифоя, оғриқ босилади.
Ж. УМАРОВА,
Наманган вилояти.


ИЧАКЛАРНИ ТОЗАЛАЙДИ...

Қора шолғомни майда қирғичдан чиқариб 2 ош қошиқ олма ёки узум сиркаси қўйилади. 4 ош қошиқ кунгабоқар ёғи, 1 ош қошиқ асал, 1 дона тухум сариғи қўшилиб яхшилаб аралаштирилади. Аралаш-

ма 3 га бўлинади-да, уч маҳал овқатдан олдин истеъмол қилинади. Бу аралашмадан ҳафтада бир марта еб турилса, кишини соғломлаштиради.
В. УМИДОВА,
Ангрен шаҳри.

ҚОН БОСИМИ ПАСАЙГАНДА...

Мазам бўлмасдан шифокорга учрашганимда: "Қон босимингиз пасайиб кетган", - дея ташхис қўйишди. Бу қон босими ошганидан ҳам хавфлироқ экан. Дориларга аллергиям бўлгани учун халқона таъобат усулларидан фойдалана бошладим. Ушбу усулдан шифо топдим. 1 дона лимон ювилиб пўсти арчилади. Арчилган пўстини қурийтиб яхшилаб туйилади.



Сўнг устига 200 грамм ароқ қуйилади. У икки ҳафта тургач, кунига уч маҳал 20-25 томчидан овқатдан олдин ичилади. Ана шу муолажадан сўнг ўзимни тетик ҳис қиладиган бўлдим. Мендек қон босими камайган кишилар бўлса шу усулдан фойдаланишса, шифо топишади.
М. АСАДОВА, Бекобод.

ДИЛБАР ВА ҲАМИДА тайёрлашди.

Қиш охирлаб баҳор яқинлашгани сайин организмимизнинг турли витамин ва минералларга бой озиқ-овқат маҳсулотларига эҳтиёжи сезиларли даражада ортади. Қадимдан ота-боболаримиз йилнинг бу фаслида сабзавотларнинг уруғларини, ёнғокларни, бошоқли экинларнинг кўкартирилган майсаларини истеъмол қилиш фойдали эканлигини яхши билганлар.

ЖОНБАХШ

Бошоқли экинларнинг ўстирилган майсалари витаминлар, минераллар, ферментлар ва аминокислоталарни энг кўп ва табиий ҳолда сақлаши билан ажралиб туради. Уларни ҳар қандай иқлим шароитида ва йилнинг исталган пайтида уй шароитида ўстириш мумкин. Майсалар атиги бир неча кунда ниш уриб, истеъмолга яроқли ҳолга келади. Таркиби ва қуввати жиҳатидан эса на гўштдан, на мева-сабзавотлардан кам эмас. Овқат ҳазм қилиш тизимида касаллиги бор кишилар учун ҳам безаррарлиги билан ажралиб туради. Қолаверса, арзон ва тайёрлаш усули жуда оддий.

Бошоқли экинлар майсаларининг шифобахш хусусиятлари нималарда намоён бўлади? Ҳамма гап шундаки, донлар, дуккаклилар, ёнғоклар, мева ва сабзавот уруғлари шундай-чи ёки пишириб истеъмол қилинганда таркибидagi фойдали воситаларнинг ҳаммаси ҳам организмга сўрилмайдди. Улар ўстирилганда эса ҳамма микро ва макро элементлар майсага ўтади ва у ейилганда танамизга осон сингади.

Маълум бўлишича, янги узилган мева ва сабзавотларда ўстирилган бошоқли дон майсаларидаги каби организм учун ўта зарур қувват манбаи

таъминлайди, организм тўқималарини фойдали моддалар билан озиқлантиради, моддалар алмашинувини яхшилайди.

Бугдой, жавдар, беда, бодом, кунгабоқар донларининг ўстирилгани таркибида В гуруҳ витаминлари - тиамин(В₁), рибофлавин (В₂), ва никотин кислотаси сероб бўлади. Бугдой дони айниқса Е витаминига бойлиги билан ажралиб туради. Мазкур витамин фойдали озук моддаларнинг парчаланиб, организмдан чиқиб кетишининг олдини олади-ган антиоксидант вазифасини бажариши билан кимматлидир. Бугдой дони ўстирилганда

бўладиган таъсирдан халос бўлади. Айни вақтда майсалар таъсирида танамизда яра-ларнинг битишини осонлаштирадиган, иммунитетни оширадиган, организмнинг турли функцияларини тиклайдиган, ёшартирадиган, бўғимларнинг қайшиққоқлигини оширадиган реакциялар бошланади.

Ҳар куни(айниқса нонуштага) ўстирилган бугдой дони майсаларидан тайёрланган бўтқа истеъмол қилиб туриш гоят фойдали. Бундай бўтқа тайёрлаш усули жуда оддий. **Бир сутка олдин 50-100 грамм бугдой донини олиб, яхшилаб тозалаб, совуқ сувада ювасиз. Сўнг пиёла ёки чуқур ликопчага солиб, устига совуқ сув қуюсиз ва қороз ёки доқа сочичка билан ёпиб қўясиз. Хона ҳароратидаги қоронгу жойда 24 соат туриши керак.** Белгиланган вақт ўтгач, идиш тагида қолган сувни тўкиб ташлаб, бугдойни 1-2 қайта гўшт қийма-лагичдан ўтказиб оласиз. Устига қайноқ сув қуйиб, қопқоғини ёпиб совигунча қутасиз. Истеъмол қилишдан олдин таъбга қараб озроқ тоза асал қўшиш мумкин.

Гўшт қиймалагич ёки қаҳва майдалагичдан ўтказилган бугдой майсаларидан 2-3 кунга ет-гулик бўтқа масалигини олдиндан тайёрлаб, музлаткичда сақлаш ҳам мумкин. Бунинг учун сиз 150-300 грамм бугдойни ўстириб олишингиз зарур бўлади. Аммо бўтқа масалигини кўп миқдорда тайёрлаб қўйиш мақсада мувофиқ эмас. Чунки у хатто музлаткичда ҳам узоқ вақт турса, ачиб истеъмолга яроқсиз ҳолга келиб қолиши мумкин.

Мабодо, майсаларни гўшт қиймалагич ёки қаҳва майдалагичдан ўтказиш имкониятингиз



бўлмаса, бўтқани куйидагича тайёрлашни тавсия эта-миз. Бир стакан сувни қайнатиб, устига майсани соласиз ва баянда оловда қайнатиш-да давом этасиз. Идишдаги сув қуригач, масал-ликни совутиб, асал қўшиб истеъмол қиласиз. Бу усулнинг битта нон томони бор. Ундирилган майсаларга узоқ муддат термик ишлов берилганлиги(б-банд оловда қайнатилгани) боис уларнинг таркибидagi шифобахш моддаларнинг бир қисми йўқолиб кетади.

Бугдой ва жавдарнинг ундирилган майсаларини истеъмол қилиш уларнинг донини пишириб ейишдан кўра кўпроқ фойдали. Нонуштага ейилган майсали бўтқа то тушликкача сизни тўқ тутайди. Кунига мана шундай бўтқадан 50-100 грамм еб туриш истеъмол қилинаёт-ган маҳсулотларнинг озукавий қувватини оширади ва нон ҳамда ун маҳсулотларидан воз кечиш имконини беради.

Шу ўринда ҳар қандай озиқ-овқат маҳсулоти яхшилаб чай-наб ейилганда организмга тез-роқ сўрилишини ва фойдали-лик даражаси ортинини эсла-миз ўтқочимиз. Қадимги Шарқ фалсафасида таъкидлангани-дек: "Суюқ овқатни ейиш, қуяқ таомни эса ичиш керак".

Ундирилган дон майсаларини озиқ-овқат маҳсулотларининг янги авлоди, деб аташ мумкин. Одатдаги кунлик егуликларин-гизга 1-2 пиёла ундирилган майса қўлишни қанда қилманг.

Ундирилган майсали бўтқа-ларни болалар ҳам, кексалар ҳам, парҳез сақлаётганлар ҳам, спортчилар ҳам бирдек истеъмол қилиши мумкин. У ҳам-мага фойдали, ҳамманинг соғ-лом ва кўркам, тетик ва бар-дам бўлишига ёрдам беради.



ЕГУЛИКЛАР

бўлмас экан. Чунки мева-саб-завотлар биологик фаол бўлса-ларда, улар янги ҳаёт манбаи бўлолмайди. Улардан фарқ-ли равишда донлардаги вита-минлар, ферментлар, ёғлар, уг-леводлар, минерал воситалар айнан ниш уриб ўсиш жараёни-да янада фаоллашади. Бу нарса-илмий тадқиқотлар жараёнида исботланган.

Парҳезшунослар узоқ йиллар давомида бошоқли донлар май-саларини "келажак егулиги" деб атаб келишган эди. Бугунга ке-либ у ўз соғлиги тўғрисида қай-гурадиган инсонларнинг таом-номасидан мустаҳкам жой олиб бормоқда. Бу беҳиз эмас албат-та. Зеро, керакли миқдорда истеъмол қилинган майсалар тана-нинг ёш ва кўркам, терининг соғ-лом ва силлиқ кўринишини

унинг таркибидagi Е витамини миқдори 3 хиссага ортади. Қо-лаверса, тадқиқотларнинг кўрсатишича, бошоқли экин-лар(бугдой, жавдар, сули, кун-габоқар), дуккаклилар ва ён-ғокларнинг ниш урган майсаси-да Е витамини дорихоналар-да сотиладиган шу гуруҳ вита-минлардан кўра 10 марта тез-роқ организмга сўрилади ва фойдалилик даражаси ҳам шунча юқори бўлар экан.

Майсалар берадиган қувват организмнинг ўзини зарарли хиллардан тозалашига ва қув-ватини тиклашига имкон бера-ди. Шу жараёнда организм па-зандалик билан ишлов берил-ган, пиширилган, тозаланган, ҳазми оғир озиқ-овқат маҳсу-лотларининг тананинг холсиз-лигига, дармонсизлигига сабаб

УНДИРИЛГАН МАЙСАЛАР

БОДРИНГЛИ МАЙСА.

Бу таом учун 4-5 ош қошиқ ундирилган майса, 150 грамм бодринг, саримсоқпиезининг кўк поя-сидан бир боғлам, пет-рушка ва шивит, 1 ош қошиқ тоза асал, 200 грамм смета-на керак бўлади. Бодрингни пўстини тозаламай, майда кубик шаклида тўғрайсиз, майдаланган саримсоқпиез пояси, петрушка ва шивитни аралаштирасиз. Устига ундирилган майсани солиб, сув ҳамда асал қўшилган сметанани қуйиб, яхшилаб аралаштирасиз ва дастурхонга тортасиз.

БАҲОР САБЗАВОТЛАРИ ВА МАЙСА. 4-5 ош қошиқ ундирилган майса, 150 грамм баргли ёки бош-ли кўк салат, 50 грамм редиска, 200 грамм сметана, 1 ош қошиқ тоза асал, петрушка оласиз. Салатни узун ингичка сомончалар шаклида, редискани эса ярим доира кўрини-шида, петрушкани имкон қадар майда қилиб тўғрайсиз. Устига ун-дирилган майсани қўшиб, асал қўшилган сметана билан яхшилаб аралаштирасиз. Дастурхонга тор-тишдан олдин таомнинг устини атиргул шаклида кесиб тайёрланган редиска билан безаш мумкин.

КАРАМ ВА МАЙСА. Мазкур салат-ни тайёрлаш учун сизга 4-5 ош қошиқ ундирилган майса, 100 грамм карам, 50 граммдан сабзи ва сель-

Донларнинг ундирилган май-саларидан тайёрланган бўтқа-ни алоҳида ҳам, бошқа таом-лар билан бирга ҳам истеъмол қилиш мумкин. Куйида ана шундай майсалар қўшиб тай-ёрланадиган тўйимли ва фой-дали егуликлардан айрим-ларини келтириб ўтамиз.

дерей илдизи, 200 грамм сметана, 1 ош қошиқ тоза асал, бир боғлам пет-рушка керак бўлади. Аввал карамни ингичка сомонча шаклида тўғраб ола-сиз. Устига йирик қирғичдан ўтказил-ган сабзи ва сельдерейни, майдалан-ган петрушка ва майсани соласиз. Сметана ва асал қўшиб, яхшилаб ара-лаштиргач, дарров дастурхонга тор-тиш керак.

САБЗИЛИ МАЙСА. Тўйимли ва ши-фобахш салат учун зарур бўладиган масалиқлар: 4-5 ош қошиқ ундирил-ган майса, 150 грамм сабзи, 50 грамм сельдерей илдизи, 200 грамм смета-на, лимон шарбати. Сабзи ва сель-дерей илдизини йирик қирғичдан ўтказасиз. Майсани қўшиб, сметана билан яхшилаб аралаштирасиз. Таъб-га қараб лимон шарбати қўшилади.

ҚИЗИЛ ЛАВЛАГИ, ОЛМА ВА МАЙ-СА. Бу таом учун 4-5 ош қошиқ ун-дирилган майса, 100 граммдан қизил

лавлага ва олма, 200 грамм сметана олинади. Қизил лавлагини пўстидан тоза-лаб, йирик қирғичдан ўтка-засиз. Олмани эса пўсти ва уруғлари билан майда кубиклар шаклида тўғраб оласиз. Ундирилган майсани ҳам солиб, асал қўшилган сме-тана билан аралаштирасиз. Таъб-га қараб янги сиқиб олинган лимон шарбати қўшасиз.

КАБАЧКИ ВА БУГДОЙ МАЙСАСИ. 4-5 ош қошиқ ундирилган бугдой май-саси, 150 грамм кабачки, бир боғлам саримсоқ пиезининг кўк пояси, петруш-ка ва шивит, 1 ош қошиқ тоза асал ёки нордон мураббо, 200 грамм про-стокваша(чучук қатиқ) керак бўлади. Пўсти тозаланиб, майда кубиклар шаклида тўғралган кабачқини майда-ланган саримсоқпиез пояси, петруш-ка, шивит билан аралаштирасиз. Ус-тига асал қўшилган протакваша қуй-иб, яхшилаб аралаштирасиз.

КАРАМ, ОЛМА ВА БУГДОЙ МАЙ-САСИ. Таом учун керак бўладиган ма-салиқлар: 4-5 ош қошиқ бугдойнинг ундирилган майсаси, 100 граммдан карам ва олма, 200 грамм сметана, 1 ош қошиқ тоза асал, яримта лимон. Карамни майда ва ингичка сомон шаклида тўғраб, майда кубикчалар шаклида тўғралган олма ҳамда май-сани қўшасиз. Устига лимон шарба-ти ва асал қўшиб кўпчилиган смета-нани солиб, аралаштирасиз.

ЯШАРАЙ

йидагича ундириб олина-ди: 2 ош қошиқ донни ях-шилаб ювиб, стаканга со-ласиз. Устига қайнатилма-ган илиқ сув қуйиб, озги-ни ҳаво кириши учун май-да тешикчалар очилган елим халтача билан ёпиб, қуёшга қўясиз. Бир сутка-дан сўнг идишдаги сувни тўкиб ташлаб, устини яна елим халтача билан ёпасиз ва қуёшга қўясиз. Кейинги кунни майсалар истеъмол учун тайёр бўлади. Фер-ментлар, протеинлар ва витаминларга бой бўлган бундай ундирилган майса-ни мунтазам истеъмол қилиб туриш гипертония(артерияда қон босимининг ошиб кетиши), буйрак касалликларидан яхши самара беради.

Майсани сут, турли ёнғоклар бил-ан аралаштириб ейиш, уни юқорида таъкидлангани каби ҳар хил салатларга қўшиш шифобахш-лигини янада оширади.

ДАРМОН тайёрлади.

ТАОМНОМАСИ

ДЕСАНГИЗ



105 - Исми Мардон. Ёшим 27 да, лекин ўз кунимни ўзим кўра бошлаганимга анча бўлган. Тошкентда ижарада яшаб, қурилиш ишлари билан шуғулланман, - дея гап бошлади усти-бошлари қаровсиз, кўриниши ғамгин йигит. Йигитми-қизми ишқилиб ким бўлмасин, то бир хунар ўрганиб оёққа туриб олгунча ёнида бир меҳрибони бўлмаса қийин экан.

- Нахотки ҳеч кимингиз бўлмасе?
- Бор, онам бор, лекин... У олисда яшайди. Ўғай отамнинг қаҳри қаттиклиги боис уйимга бора олмайман. Тўғриси, бир-икки борганимда у турли баҳоналар билан жанжал чиқарди. Энди эса ўша хонадонга сира қайтиб боргим йўқ. Билдимки, онам истаса ҳам у мени уйлантирмоқчи эмас. Шунинг учун ўзим топганимни йигиб бирор аёлга уйланмоқчиман. Меҳрга, яхши сўзга зорман. Майли, бир фарзанди бор меҳрибон ва ақлли аёл бўлса бошимга кўтараман.

Чиндан ҳам инсон борки бахтни орзу қилади. Ўз ҳаётини ўзи изга солиш, яхши оила бошлиғи бўлишни орзу қилаётган йигитга муносиб қизлар бордир? Уларнинг кўнгиригини кутаман.

106 34 ёшдаман. Баланд бўйли, келишган, жиддий ва оғир-вазмин йигитман. Ажрашганман. Яхши касбда ишлайман. Алоҳида ҳовлим бор. Тошкент вилоятида яшайман. Ажрашган (Фаразди йўқ) аёл ёки бахтини кутаётган қизлар бўлса чиройли оила қуриш ниятидаман. Бир оилани тўқис қилиб таъминлай оламан.
Манзилим тахририятда.

Али

107 Ёшим 52 да. Тошкентликман. Фарзандларимдан қутулганман. Эрим вафот этган. 55 ёшлардаги ўқимишли, жиддий, касбли, ёлғизлик оғирлигини бошидан кечирган эркак билан ҳаётимни боғламоқчим.
Манзилим тахририятда.

Норгул опа

108 Ёшим 59 да. Уй-жойли ва соғлом эркакман. Тошкент шаҳрида яшайман. Фарзандларим уй-жойли. Агар 55-60 ёшлардаги фарзандларидан қутулган, ёлғиз яшаётган бир аёл бўлса бирга умргузаронлик қилар эдик.
Манзилим тахририятда.

Ихтиёр ака

109 43 ёшдаман. Илгари қонуний уйланмаганман. Уй-жойим етарли. Ишлайман. 35-40 ёшлардаги ажрашган ёки турмушга чиқмаган бир қиз бўлса турмуш қуриш ниятидаман.
Манзилим тахририятда.

Муҳаммад

БАСИРА тайёрлади. ТЕЛ: 133-04-50

(Боши ўтган сонларда)

ЕТТИНЧИ МАКТУБ

Азизам! Эсингдами, болалардан ҳоли қолганларимизда дилдан суҳбатлашиб ўтирганларимиз. Мен роз айтиб, гапга тушиб кетардим. Сен қизиқиб тинглардинг. Мен янада илҳомланиб авжига чиқардим. Гоҳ-гоҳида сен ҳам қўшилиб турардинг. Ҳамма гапларим тўғридай ўрнингдан туриб кета олмас эдинг. Овқатинг кечга қолиб кетарди. Уй юмушларинг эртага кўчирилар эди. Бу ҳол бизда бир эмас, тез-тез такрорланиб турарди. Қандай тотув, қандай бахтли кунлар эди, ўша кунлар. Қадрига энди етаяпман. Биз тириклар бир нарсанинг қадрига ҳамиша кейин етаемиз. Сен ҳам ўша кунларни эслоласанми? Умуман, сизларда "эслаш" лаёқати бўлар эканми? Мен билмадим... Ҳозир билмадим... Сизлар-

лхам кўя олмаётгандирсан, эзилаётгандирсан... Бунга ишонаман. Лекин... начора... Аммо ўзинг кўриб кетдинг, шохиди бўлдинг. Бу ёруғ Ер юзиде Тунлар кетидан Кунлар келади. Фасллар ўтиб Фасллар қайтади. Сизларда-чи? Тун ва Кун, деган нарса борми? Кетиб қолган Баҳор қайтиб келадими? Очиқлиб бўлган лолалар қайта бор очилади-ми? Мен билмайман. Ҳеч нарса билмайман. Ер устидаги ҳамма нарса ҳодисалардан бизни воқиф қилиб қўйган Тангри таоло буни биз инсонлардан сир тугган экан... Фантехника ривож эса буни билишга ҳали ожиз. Начора...

Бироқ бир нарсани яхши билман, эски йиллар ортда қолиб, янги йиллар босиб келаркан, мени сенга яқинлаштириб бормоқда. Шунисига ҳам шукр. Майли, хайр, дийдиём бошланиб кетди, чоғи... Яхши қол. келаси хатимгача...

ЎНИНЧИ МАКТУБ

Азизам, яхшимисан, кайфиятинг қалай? Сенга айтсам, жоним, баъзан, ёлғиз ўтирганларимда манамана ҳозир сен ашиқ очиб кириб келадигандай бўласан, назаримда. Енгил тортиб, ширин хаёллар босади мени. Бу - қалбимдаги овуниб, кўникиб қолган ҳис-туйғуларим ундовиде руҳим жонланиб кетишидан бўлса керак. Ёки бундай пайтларда сенинг руҳинг руҳимни умидвор қилиб кўярмикан? Сен нима дейсан?..

Мана шундай дамларнинг бирида тўлқинланиб кетиб ушбу шеърни битдим. Ўқиб кўргин, зора, сенга ёқса:
**Ўғлим чиқиб кетди ишига,
Чиқиб кетган бошқалар ҳам.
Ёлғиз қолиб ҳар сафар чидай,
Уйга кетдим, кўтарилди ғам.**


**Таниш ҳислар қоплади мени,
Бир зумгина ў, қадимгидай:
Эшиқ очиб энтикиб гўё,
Ҳозир завжам келадигандай...**
Қалай, тузуқми?
Қанақа чиққанда ҳам ҳар ҳолда бу

ЗАВЖАМ РУҲИГА МАКТУБЛАР

га қўшилиб олганимда билиб оларман... Бугунча шу етар... Демокчи, сизларга ҳаётдагидек омонлик, саломатлик тилаш мумкинми? Омад-чи, уни тиласа бўлдимми? Мен эса билмадим. Билганим Аллоҳ таолодан сенга, руҳингга маҳфирату ҳидоят тилашдир.

САККИЗИНЧИ МАКТУБ

Жоним, яна кўлимга қалам олдим. Аҳволларинг нечук? Мени эслаб, тепамдан кузатиб турибсанми? Мен эса баъзан жуда тушқунликка тушиб кетаяпман. Хис-туйғуларим, фикр-ёдим сени кўмсайди, сени ахтарди. Деворда менга қараб: "Ҳолингизга мен ҳам ачиниби ётибман, лекин нима қилай, иложим йўқ", деб тикилиб турган расминг ҳам, албомдаги суратларинг ҳам жисмингни, гулбаданнингни ёдимга солади. Мен эса тобора қаттиқроқ тикиламан. Ўзимга далда бўладиган овуноқ, ҳисларимга озуқа бўладиган маъно топармиканман, дейман... Сен шу тобда ёнимда бўлишингни жуда-жуда орзиқиб истайман, чамаси... Бироқ сен ёнимда бўла олмайсан, уйга ҳам кела олмайсан... Сен олис-олисдасан. Чеки йўқ, чеккаси йўқ узлатдасан. Менинг ақлим етмайдиган, аллақандай маъвоҳум, бепоев самодасан, кўкдасан... Қаъри йўқ, туби чексиз, ўз маконига бутун оламни қамраб олгудай, ютиб юборгудай даҳшат солиб, салобат тўкиб турган мағрур осмон Аллоҳ таоло иродаси ила сени - митти жонингни ҳам ўз бағрига олди! Яна қанчадан-қанча жонларни - руҳларни ўз бағрига оларкин. Шулар қаторида меникини ҳам. Жуда бўлмаганда мен шундай, деб уйлайман. Ҳозир эса сен балки ростдан ҳам тепамдадирсан... Чарх ураётгандирсан... Аҳволимга, кечинмаларимга ҳайрон бўлаётгандирсан. Қийналаётганимни, дардланиб бораётганимни кўриб туриб ачинаётгандирсан, ичинг тирланаётгандир. Ердан бера олмаётганингдан, азобларимга ма-



ТЎККИЗИНЧИ МАКТУБ

Жоним, эсингдами, бир куни иккимиз ёлғиз ўтирганларимизда, сен: "Адаси, сиз мenden розимисиз?" деб сўраб қолдинг. "Нега буни шу пайтда сўраясан?" - дея ажабланган эдим мен. Шунда сен: "Эр-хотин ҳаётлик даврларида буни бир-бирларидан сўраб қўйишлари керак экан", дегандинг. Мен эса ич-ичимдан зил кетиб чор-ночор: "Ҳа, албатта розиман", дегандим, томоғимга нарса тикилиб. Мен анчадан бери билардим, сенинг баъзи нарсаларни олдидан сезиш лаёқатинг бор эди. Шу эсимга шу топда келиб қолди-ю, сезканиб кетдим. Аммо сенга буни сездирмадим. Дарвоқе, кўп кўнгилсиз нарсаларни сенга сездирмадим. Шундан ярим йил ўтар-ўтмас сен ўзинг билган ёки билмаган сабаб билан у дунёга рихлат қилиб қолдинг... Буни ҳам сезган экансан-да. Биз эса дод-фарёд қилганимизча қолавердик... Ўлим ҳақ... Аллоҳ таоло сени ўз маҳфиратига олсин, омин. Ҳозирча хайр.

дардли юрагимнинг бенасиб орзу-истаклари. Саҳрода қолган одам кўзига қанақа сувлар сароб бўлиб кўринмайди, дейсан. Майли, бу ҳам менга сароб бўла қолсин. Ҳар қалай у менинг сенга етказмоқчи бўлган орзу-истакларим. Қандай қабул қиласан - ўзинг биласан. Энди эса навбатдаги хатимни кут. Хайр, жоним. Ёшлиқдаги қаллигинг, ҳозирги... Майли, ўзинг нима десанг дея қол.

ҲН БИРИНЧИ МАКТУБ

Ёшлиқдаги севиқли қаллигим! Сени тўйимиздан олдин шундай атардим, эсингдами? Сенга ҳам, ўзимга ҳам ёқарди бундай дейиш. Яна эсингдами, уйда ҳеч ким йўғида узок, қизгин, сирли суҳбатга берилиб кетардик. Ўзимиздан бўлак ҳеч ким эшитмаслиги керак бўлган гаплардан, воқеалардан роз айтишиб шивирлашиб ўтирар эдик. Сал очкирок сўзлаб юборсам, "ҳадингиздан ошманг", деб ширингина танбех бериб кўяр эдинг... Ҳозир ҳам шундай - уйда ҳеч ким бўлмайдиган вақтлар бўлади. Сен лоп этиб эсимга тушасан. "Ҳа... уйда ҳеч ким йўқ...", дейман ичимда, ўзимга-ўзим. Гоҳида эса девордаги суратингга термулиб, "ёнимга туша қолсан-чи, юрагим армонга тўлиб кетди. Ҳеч ким йўғидан фойдаланиб... қадимгидай гаплашиб ўтирайлик", дейман, беихтиёр, бемажол. Кўнглим орзиқиб кетади, ўртанаман, ўқсиманам. Илгарилари уйда ҳеч ким йўғида сен бўлардинг. Энди ҳеч ким йўғида сен ҳам йўқ. Фақат соғинчим бор. У мени қўйнайди. Сени топиб бер, деб қистайди. Додимни кимга айтийин, қалбимни кимга очиб тўқайин? Яхшиямки, руҳинг бор экан, хат ёзиб, кўнглимни бўшатиб олаётман. Илоҳ, руҳингни Аллоҳ муқофотласин, омин. Кейинги хатимгача хайр. Умр йўлдошинг - Мен.

(Давоми бор)

Азизжон ҚОСИМОВ

Газетамиз саҳифаларидаги мазкур рама билан белгиланган мақолалар Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди гранти доирасида тайёрланди.

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси ва Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

Фойдаланилмаган қўлёзмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб берилмайди.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти - 20.00. Босишга топширилди - 20.00
E-mail: oifavajamiyat@rambler.ru oifavajamiyat@mail.ru

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА
Бош муҳаррир: 134-86-91
Қабулхона: (тел. ва факс) 133-28-20
Бош муҳаррир ўринб. сари: 134-25-46
Оила, табриқлар, зълонлар: 133-04-50
Бўлимлар: 133-04-35, 134-25-46
Бухгалтерия: 132-07-41
МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент - 700000
Амир Темур кўчаси,
1-тор кўча, 2-уй.
«Олой» бозори ёнида.
Газета тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

ХОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси
ОБУНА ИНДЕКСИ - 176
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169-рақам билан 11.01.07да рўйхатга олинган.
Буюртма Г - 132. Формати А-3, ҳажми 4 табоқ, Адади - 14094
Саҳифаловчи — Ш. БАРОКОВ
Рассом — Н. ХОЛМУРОДОВ
Навбатчи — Д. ИБРОХИМОВ
Мусаҳҳиҳ — С. САЙДАЛИМОВ
1 2 3 4 5